



Хали ёшлик йиллариданок “тузумни ағдариб ташлашга даъват қилмас”а –да, “унга чўнтак ичидан мушт кўрсатиш”га ўзида журъат топа олганлардан, халқининг мушқулини осон қилишга интиланлардан бири эди Муҳаммад Солиҳ.

Ўз элига рўшнолик улашиш илинжи уни шоирдан сиёсатчига айлантирди.

Ўз халқига хурликни раво кўришдек улғвор истаги гарчи қадамаларини куйдирса-да, оёқларини қавартирса-да уни ХАҚИҚАТ йўлини тутмоққа ундади.

Ҳақиқат дунёсига етмоқлик бу — хатар сўқмоғидан ўтмоқлик эканини Муҳаммад Солиҳ жуда яхши биларди.

Шу боис ҳам У “Ҳақиқат шундай бир гавҳар. Уни тутган одам ҳамиша хавфда” дея лутф қилган эди. Шундай ҳам бўлди.

Хавфу хатар ҳаёти давомида ҳамиша Муҳаммад Солиҳнинг ҳамроҳига айланди.

Мабодо....

Мабодо, Муҳаммад Солиҳ истаганида эди чорак аср давомида мамлакатнинг иккинчи даражали мулозими бўлиши ҳам мумкин эди. Агарда у истаганида...

Аммо...

Аммо Солиҳ «гўзал кафанларни эгни..дан юлиб, сакраб тушди... тилла тобутдан!»

Нега:

Сиёсатчи ва шоир бу саволга шеърининг аввалида шундай жавоб беради:

“Тақлид этолмадим, сенга, Ватаним,

Сен каби бардошли бўлолмадим ҳеч.

Сапчиб турган эсам, айбситма мени,

Афу эт, ахир, мен ўлолмадим ҳеч.”

Халқни азоб-уқубатлару кишанлар исканжасида, кўрқув остида гумроҳларча бошқараётган ҳукумат лавозимида ўтиришни УЛИМ билан тенглаштирган Муҳаммад Солиҳ ТЕПАдаги



СИЗ БИЗГА КЕРАКСИЗ

ТИРИК МУРДАЛАР сафида қололмади. Қолаолмасди ҳам. Маънан ўлмади, ўлолмасди ҳам. Шу боис ҳам:

Турдим, сапчиб турдим, ўзимга келдим,

Шаккок фарзандингни афу эт, Ватан,

Гўзал кафанларни эғнимдан юлдим,

Тушдим, сакраб тушдим, тилла тобутдан!

дея олди У феълига хос мағрурона.

Дарҳақиқат, “энг сўнгги лаҳзада турди” У “қалқиб”. “Сапчиб турган бўлсам, айбситма мени” деди-да “гўзал кафанларни эгни..дан юл”иб, “сакраб тушди... тилла тобутдан”.

Муҳаммад Солиҳнинг бунингдек огоҳлиги, мағрурлиги, беором қалблиги, қахрамонлиги ҳукуматга хуш келмади, қахрамонлигини ҚУВҒИНЛИК билан қарши олишди.

Кувғинлик билан “мукофотланган”, “кувғинлик” унвонини олган шоир ва сиёсатчи 23 йилдирки юрт соғинчи билан яшашга маҳқум этилган...

Гарчи муҳожиротда, Ватандан олисларда бўлса-да, нечоғлик ситамлар ўтказишмасин, Муҳаммад Солиҳ “ҳеч қачон ... тишвишлари.. ни тили..га ол...мади. Доим халқ... нинг ташвишларини айт..”а олди.

Эл ғамида яшамокликни у бир буюк саодат деб биларди ва барчаси учун учун «Худога шукур, У ҳеч қачон менинг тишвишларимни тилимга олдирмади. Доим халқининг ташвишларини айттирди...», дея Яратганга беҳисоб шукроналар айтади.

Ҳақиқат халқнинг куролига айланишинини орзулаган шоир ва сиёсатчи Ўзбекстондаги мавжуд диктаторлик тизимини таҳлил қилар, унга баҳо берар экан, Ватандошларига қарата шундай дейди: “Ҳақиқатни айта олмайсиз. Агар сизнинг ўрнингизда бўлсам, мен ҳам кўрқардим. Лекин қалбингизда ҳақиқат тарафда бўлинг! Қалбингизда ҳақиқатни тан олсангиз ва уни пинҳона эъзоз қилсангиз, бу ҳам улкан ютуқдир.”

Ватанни севмоқлик, уни демоклик бобида Муҳаммад Солиҳнинг ўз фалсафаси бор: «Мен сизни Ватан учун ўлишга даъват қилаётганим йўқ, сизни Ватан учун яшашга чақиряпман. Ватан учун яшаш — унинг учун ўлишдан кўрқмасликдир», дейди У, элдошларини юртга меҳр кўймоққа чақиради.

Муҳаммад Солиҳнинг ўзи шу элга, сизга, бизга меҳр кўйди. Эвазига таҳқир тухматдан бошқа нарса олмади.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Лоқайдлигимиз ортидан Муҳаммад Солиҳнинг ҳақиқат отлиғ олмоси муттасил равишда тухмат, адоват ва ҳасад тошлари остида қолмоқдаки, бунингдек ҳақсизлик оғриқларига қарши курашларда У ҳеч қачон жаҳолатни қурол қилган эмас, аксарият ҳолларда сукут ила жавоб қила олган, бунга ўзингиз гувоҳ. Бу борада М. Солиҳнинг ўзи шундай дейди: «...Бу ғавгода ҳеч қачон биринчи бўлиб ҳужум қилмадим, доим ҳужумга қарши мудофаа билан шуғулландим».

Шоир ва сиёсатчи Муҳаммад Солиҳ бу ёруғ оламга келиб рўшнолик нима кўрмай, билмай ўтаётган юртдошларига рўшноликни раво кўргани, эрк нима билмаган элдошларига эркинлик истагани учун ҳадсиз тавонлар тўлади ва тўламоқда.

«Халқимни севаман дейишга жасоратим йўқ, аммо халқи ва юрти хуррияти учун бир киши тўлаши керак бўлган бадални тўладим деб ўйлайман. Менинг тўлай олмаганларимни укаларим тўлапти Ўзбекистон

турмаларида...» — бу шоир ва сиёсатчининг қалбини титратган, қадрини хўрлаган каломлар эди....

Шу боис Муҳаммад Солиҳ юрағни мудом шундайин бир аччиқ армон, шундайин бир оҳ доғлайдики, бу ўкинчлар ҳарфлар шаклида қоғозларга ёғилади:

*Шундай экан, денгиз
қиргоқларидан,
яшил ўрмонлардан менга сўз
очма,
мен ёлғиз Туркистон
тупроқларида,
ўса оладиган гариб оғочман.*

Ҳадсиз бу дарддан ҳатто ҳарфлар ҳам фарёд чекадики, бунингдек ғам қоғоз юзини ҳам қаро қилади. Аммо сизу биз кар, сизу биз гўнг, сизу биз сўқир....

Ҳа, минг афсуски, халқ, миллат ўз фидойисини ҳали ҳануз билган эмас, Ўзбекистон ўз жонкуярини ҳалигача таний олган ҳам эмас.

Ана шунингдек сўқирлик, шунингдек гумроҳлик, хатолик бўлмаганида эди, бугун шоир ва сиёсатчи Муҳаммад Солиҳ 66 ёшини ёт юртда, Ватандан олисда

қарши олмаган бўларди.

Ўз фидойисига бунингдек азобни тортиқ қилган шу халқ бўлади, ўз қахрамонининг рангини юрт соғинчи самон қилишига индамай қараб турган томошабин ҳам шу эл, Ўзбекистонликларнинг, сизу бизнинг ҳаётимизни тўқис қилиш ва кўришдек орзусини сарбга айлантирган ҳам биз бўламыз, Муҳаммад Солиҳнинг уволи тутган эл ҳам ўзимиз....

*Ҳурматли Муҳаммад Солиҳ!
Таваллуд кунингиз муборак!
Энг, энг, энг эзгу тилакларни
тилайман!*

*Абдуллоҳ Нусрат “БИЗ
СИЗГА МУҲТОЖМИЗ” дея
барча тарафдорларингизнинг
кўнглидаги гапни топиб
айтганди.*

*Мен ундан ўтказиб ёза
олмасам керак. А. Нусратнинг
айтганларини такрорлай оламан
холос: Муҳтарам Муҳаммад
Солиҳ, Сиз бизга, халқимизга
керакисиз!*

Малоҳат Эшонқул
мустақил журналист,
Ўзбекистон, Тошкент.

Сўнги ойда паспорт ва ижара тизимини текширгани ижарадаги уйимга уч марта келишди. Зудлик билан ижара шартномасини расмийлаштириб, солиқ инспекциясига маълум қилишимни, акс ҳолда қаттиқ чора қўллашларини айтишди.

Аслида ҳар бир мулк эгаси даромадидан солиқ тўлаши матлубдир. Зеро ҳар бир даромаддан фақирлар, муҳтожларнинг ҳақи бор. Бу жиҳатдан ижара шартномасининг қатъий жорий қилишидан мен хайр умид қилдим. Энди ана шу хайрга олиб борувчи йўлни ҳам осон қилинса, давлат ва жамият учун фойдали бўлар эди. Аммо...

Ижара шартномаси Тошкент шаҳрида вақтинча яшаш ва ишлаш учун рухсатнома олишдан ҳам қийин экан. Аввалига Ерресурслари ва давлат кадастри (БТИ) бошқармасидан маълумотнома олиш кераклигини айтишди. Уни олишга бир ҳафта кетди. Сўнг солиқдан уй эгасининг қарзи йўқлиги ҳақида, Паспорт столдан 17-форма ва доимий прописида турадиганлар тўғрисида, коммунал идорадан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотномалар олинди.

Уй эгаси ва унинг турмуш



Сарсонлик сансоларлик

ўртоғи билан нотариусга бордик. Нотариал идорада 10 нафар киши навбатда турарди. Навбат келгач, нотариус ҳузурига кирдик. Нотариус ҳужжатларни кўриб, яна менинг рафиқам паспорти, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болаларимнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, солиқ тўловчининг инвентар рақами (ИНН) кераклигини айтди. Навбатимиз 10 кундан кейин келиши, 8 кундан кейин ҳужжатларни ташлаб кетиш кераклигини маълум қилди.

8 кундан кейин яна нотариал идорага бордик. Яна навбат. Яна ҳужжат кўришлар. Бу сафар нотариус ёрдамчиси ижарада турувчи барчанинг ИННси кераклигини, янги тартиб

келганлигини айтди. Рафиқам ҳеч қаерда ишламайди. Шунинг учун ИНН очилмаган. Энди Марғилонга бориб, солиқ идорасига доимий прописида туриладиган уйнинг коммунал қарзлари йўқлиги ҳақида маълумотномаларни топшириб, яна кутиш керак.

ИНН тайёр бўлгач, нотариал идорага бордик. Яна навбат. Яна кутиш. Сўнги маълумотнома — квартиранинг тақиқ ёки арестда турмаслиги ҳақида сўровномани тўлдириб келишимизни айтишди. Бу маълумотнома 1 кунга ўтаркан холос. Зудлик билан ҳаракат қилдик. Уни олиб келганимиздан сўнг ҳужжатларни яна бир кўриб чиқишди. Паспорт стол маълумотномасида ксероносуха устига муҳр босилган экан. Шунинг асл нусхасига қайтадан муҳр бостириб келишни айтишди. Яна югурдим. Бугун паспортистка ишламас экан. Иш паспортистка билан ҳам битмас экан. Унинг муҳри йўқлиги учун ЖЭКка бориб у ердан муҳр бостириш керак экан. ЖЭК ходимаси квартиранинг қарзи йўқлигини яна бир бор текшириб муҳр уриб берди.

Уй эгаси, турмуш ўртоғи ва

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

мен 4 нусхада (бири менга, бири уй эгасига, бири БТИга, бири нотариусга) ижара шартномасини имзоладик. Нотариус яна бир ксеронусхасини солиққа топширишимиз кераклигини таъкидлади.

Хулласи калом биргина ижара шартномасини тузиш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлди:

1. Уйнинг ҳужжатлари, олди-сотди шартномалари асл нусхаси.

2. Уйнинг кадастр ҳужжатлари асл нусхаси.

3. БТИдан маълумотнома (уйнинг кадастр ҳужжатлари бўлса, БТИдан маълумотноманинг нима ҳожати бор? Ваҳоланки маълумотномадаги қайдлар кадастр ҳужжатида мавжуд. Бу маълумотноманинг амал қилиш муддати 1 ой экан холос).

4. Уй эгасининг солиқдан қарзи йўқлиги ҳақида маълумотнома (Хўп қарзи бўлса нима қипти? Ўз номида бўлган шахсий мулкни ижарага беришга ўша қарз монелик қилиши керакми?).

5. Паспорт столдан форма-17 ва доимий пропискада турадиганлар ҳақида маълумотнома (Бунинг ижара шартномасига нима алоқаси бор? Агар пропискаси бўлса, ҳеч

ким ижара шартномаси қилмайди-ку!).

6. Коммунал идорадан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома (Бу ҳам аслида ижара шартномаси қилишга монелик қилмайди. Мақсад, шу баҳона қарзни ундириш).

7. Уй эгасининг паспорти.

8. Уй эгасининг ИННси.

9. Уй эгасининг турмуш ўртоғи ижарага қўйишга рози эканлиги ҳақида маълумотнома.

10. Уй эгаси турмуш ўртоғининг паспорти.

11. Уй эгаси ва турмуш ўртоғи никоҳ гувоҳномаси.

12. Ижарага олувчининг паспорти.

13. Ижарага олувчининг ИННси (ижарага қўйгани учун солиқни уй эгаси тўласа, ижарага олувчининг ИННси нимага керак?).

14. Ижарада турувчилар (рафиқам) паспорти.

15. Ижарада турувчилар никоҳ гувоҳномаси (ҳар хил гап-сўзлар бўлмаслиги учун эмиш).

16. Ижара турувчи болалар туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси.

17. Ижарада турувчи рафиқамнинг ИННси (барака топгурлар, рафиқам ҳеч қаерда ишламаса, даромад қилмаса, лоақал у билан ижара шартномаси

тузилмаган ҳам бўлса, ИННнинг нима ҳожати бор?)

18. Квартиранинг тақиқ ёки арестда турмаслиги ҳақида сўровнома (БТИдан аввал олинган маълумотномада “мазкур кўчмас мулк объекти бўйича тақиқ ва чеклов йўқ” деб ёзилиб, муҳр, имзолар қўйилган бўлса, бу сўровноманинг нима ҳожати бор? Энг қизиғи бу ҳужжат бир кунга ўтаркан холос).

Яхши тушунамани, солиқлар – давлатнинг таянчларидан бири. Ҳар бир фуқаро буни англаган ҳолда солиқларни вақтида тўлаши матлубдир. Лекин 30 нафар солиқдан қочувчининг касрига 70 нафар қонунга риоя қилувчи фуқаро югурмаслиги керак. Мана шу ҳужжатларни тайёрлаш, кутиш ва бошқаларга 3-4 кун вақт кетди. Ваҳоланки, ушбу кунларда ишлаб, давлат ва жамиятга фойда келтириш мумкин эди. Биз инфор­мацион технологиялар асрида яшаймиз. Наҳот шунча ҳужжатни ягона маълумот маркази орқали электрон тарзда тайёрлаш имкони бўлмаса?

Ҳар хил қоидалар ўйлаб чиқарадиганлар хурматли ҳам­фуқаролар, кабинетингизнинг у ёғидагиларни ҳам сал ўйланг. Қоғознинг ҳам уволи бор.

Манба: Facebook.com

Ойдин Солиқ ҳақида хотиралар

Инсон эртанги кунининг қандай кечишини билмас экан. Қозоғистонга ишга борарканман, у ерда бутун умримга татийдиган улкан бойлик билан қайтишимни билмаган эканман.

Чекка фермада бетон қуйиш билан бандмиз. Чойимиздан тортиб ичадиган сувимизгача бригадиримиз ташиб келтиради. Кунлардан бирида шамоллаб қолдим. Кечкурун бригадиримизга дардимни айтиб, таблетка келтиришини илтимос қилдим.

— Мен сенга бошқача дори бераман, — деди у. — Таблетка бир ерингни тузатса, бир ерингни ушатади.

Кечкурун унинг тайёрлаган, бир оз тахир чойини ичдим. Тонгда бошқа бир нарсани дамлаб берди. Совуқ сув ичиб қўймасликни тайинлаб, ўзи қишлоққа, егулик олиб келишга кетди. Қайтгач, яна бир қанча кўкатларни узиб келди. Ҳар сафар ичаётганимда “бисмиллоҳ”ни айтишимни

тайинлаб турди. Хулласи иккинчи куни кечгача тузалиб кетдим.

Аммо унинг табиблигига қизиқиб қолдим. Қишлоқдаги синглимнинг касалини айтиб, маслаҳат сўрадим.

— Биласанми, — деди у, — балки китобни ўқиб чиқарсан?

Шу тарика мен Ойдин янгамизнинг китоби билан танишдим. Тушлик вақти, кечкурунлари “Ҳақиқий тиббийёт” китобини варақлардим. Бригадиримиз ундаги кўп нарсаларни тушунишимга ёрдамлашди.

Икки ой бир зумда ўтиб кетди. Уйни ҳам соғинганмиз, Қозоғистон қонунига кўра икки ойдан ортиқ қолишимиз ҳам мумкин эмас. Хуллас, уйга қайтадиган бўлдик.

— Мана шу китобни сотсангиз, ўзим билан олиб кетсам, — илтимос қилдим бригадиримиздан кетиш олдидан.

— Чегарадан ўтказармикан... Ўзбекистонга китоб олиб кириш

қийин дейишади.

— Амаллаб олиб кириб кетаман.

У кишида китобдан яна бир нусхаси бор экан. Совға қилди. Раҳмат айтиб, олиб кетдим. Шу бўйи Қозоғистонга қайта йўлим тушмади. Ўз юртимизда эса шу кунгача китобни такрор ўқиймиз, фойдаланиб, даволанамиз. Ҳатто ҳамқишлоқлар номимни “Қурбон доктор” деб қўйишган. Ҳар қалайига, ундаги тақво ва даволаниш сирларини ўрганиб кам бўлмадим.

Яқинда собиқ бригадиримиздан Ойдин янгамизнинг вафот этганини эшитдим. Жуда хафа бўлдим, аммо яна “бандалик”, деб ўзимни овутдим. Ўйлайманки, опанинг мана шу китобидаги ҳикмат, ундан фойдалана олганлар орқали келадиган савоб то қиёматгача бориб туради. Жойларини кенг ва нурафшон қилган бўлсин, илоҳим...

Тахририятга келган мактуб



ЎЗБЕК СИЁСАТИ ВА АДАБИЁТИНИНГ УЛКАН АРБОБИ МУҲАММАД СОЛИҲ 66 ЁШГА ТЎЛДИ

Муҳаммад Солиҳ билан илк марта Тошкентда, бундан 34 йил олдин расом Исфандиёр Ҳайдаров устахонасида учрашган эдим. Солиҳ ака ўшанда Совет ишғолига ва руслаштириш сиёсатига мутлақо қарши эканини очиқ ойдан изхор қилган эди. 1981 йилнинг июль ойи эди ўшанда. Брежнев тирик эди. Атрофда темир парда. Зангори рангга бўялган Исфандиёр аканинг мўъжаз балконида оқ шим ва оқ куйлак кийиб ўтирган шоир Ўзбекистоннинг шак шубҳасиз мустақил бўлиши ҳақда гапирар экан, энди у шоирдан кўра кўпроқ сиёсатчи эди. Исфандиёр ака бу «хавфли» гапларни эшитмагандек ёки эшитса ҳам ҳеч ҳарсани тушунмагандек «бокира» қиёфада ўтирар эди. Ўшанда даврадошлар Солиҳни ўз гоёси устини бир оз ўртиб-ўраб гапиришга чорлашди. Солиҳ устахона кунжагида турган оқ бўзга кўмир билан тўғри чизик чизди.

Кейин тагига эгри -бугри чизик чизди.

Солиҳ хулосасига кўра мақсадга элтувчи энг қисқа масофа тўғри йўлдир.

Институтда чизма геометрия тахсилени олаётган бир талаба ўлароқ бунин илмий жиҳатдан билар эдим. Аммо бу геометрик теория Муҳаммад Солиҳнинг умр йўли экани мен учун ўшанда кашфиёт эди.

Орадан ўтган йиллар давомида Солиҳ оғамиз нуқул тўғри чизик бўйлаб юрди. Хоразмдаги Москва колхозига бошланган бу йўл, Тошкент, Москва, Братислава ва яна Тошкентда бардавом бўлди. Кейин бу чизик уни Франкфурт ва Осло орқали Прага турмасига етаклади. Ҳозир бу чизикнинг етган

жойи Истанбул.

Солиҳ оғамиз адабиёт ва сиёсатдаги бошқа оғаларимиз каби турланмади, тусланмади.

Солиҳнинг ўзи эса «Бир қадар ўзгардим, ўша пайтда кибрили эдим хозир кибрисизман» дейди.

Бўлса борди, лекин 1981 йилда кўрганим ёки 1991 йилда ёнма-ён турганим Солиҳда мен кибрни ҳис қилмаганман.

Ҳар доим унга бор гапни бордай, аччиқ киновий тарзда айтардим ва бу оғамиз аччиқ гапимизни ҳазм қиларди.

Яъни 34 йил олдин ҳам шундай эди бугун ҳам шунақа.

Гап сўнгида оғамизга Оллоҳдан узун умр тилаймиз. На орзуси бўлса ижобат бўлсин.

P.S.

Бу гапимга тарихий илова ўлароқ 1988 йилги газетда эълон қилинган суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламан. Суҳбатдан нафталин иси эмас балки армон ва таассуф ҳиссини туйдим. Зотан бугунги Ўзбекистон шахслар мамлақати эмас.

НИМА ДЕГАНИДИР ТЎҒРИ ЯШАМОҚ?

(*«Ёш ленинчи газетаси муҳбири билан суҳбат»*)

МУХБИР: Хаёлимда бу суҳбат мавзуининг туғилганига беш йилдан ошди. Ўшанда Муҳаммад Солиҳ шеърлари ҳақида республикамиз матбуотида жуда қизғин баҳс кетаётган эди. Ҳамма ҳам у шеърларидо айтмоқчи бўлган «тап»ни дарров англаб ололмади. Уларни «жумбоқ шеърлар» деб атаганлар бўлди. «Шеърингизни тушунтириб берсангиз», деган хитоблар янгради. Ва шундай бўлиши

табiiй эди. негаки, шоир ўз асарларида кўхна ва навқирон шеърятимизга кўпчилик учун кутилмаган янгилик билан кириб келди. Янгилик эса, ҳаммаша қаршилиққа, баҳс-мунозаа, иккинланишларга дуч келади. Ҳаётга сингиб кетиши қийин кечади. Шеърят аҳли, айрим мунаққидлар бу янгилик қаршисида жиндек шошиб қолгандек бўлдилар. «Муҳаммад Солиҳ шеърлари нозиктаъб, зукко ва ўйчан ашъорсеварга мўлжалланган».

Баҳс ана шундай хулоса билан якун топди. Шоир ижоди, шеърлари эътироф этилди. Мухлислар сони кескин ортди. Бугун эса, янги ўзбек шеърятини Муҳаммад Солиҳ ижодисиз тасаввур қилиш қийин.

Бу суҳбатимиз бундан беш йил бурун газета юзини кўриши мумкин эди. Аммо, турли сабаблар ўлароқ, бугунгача сурилиб келди. Лекин, мана ошқоралик, ҳурлик шабадалари эсиб, партия ва ҳукуматимиз фаол фикрга кенг йўллар очаётган бир паллада, муқаддас мавзуларда дилдан мушоҳада

юрйтиш янада яхши.

Мени Муҳаммад Солиҳ билан суҳбатдош қилишга ундаган нарсаси, унинг бир гапи бўлди: «Шоирнинг энг яхши шеърлари ватани ҳақида бўлади». Ижодкор бундай фалсафий хулосага бир кунда ёки бир йилда келмайди. У бундай хулосага келмоғи учун нималарнидир бошдан кечириши, изланиши, қийналиши ва тинимсиз ўйланиши керак, менимча. Ватанни, халқни чиндан севган шоиргагина бундай кашфиётлар насиб бўлади.

Муҳаммад Солиҳ билан суҳбатимиз ҳам ватанимизнинг, халқимизнинг бугунги ва эртанги кунлари, мамлакатимизда кечаётган қайта қуриш муаммолари ҳақида боради. Шоир баъзан ўйчан, баъзан қуюниб, баъзан кескин сўзлади.

Муҳаммад СОЛИҲ: Қайта қуришимиз туфайли ҳал этилажак муаммолар бир кунда пайдо бўлгани йўқ. Биз уларни йиллар мобайнида кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олиб яшаб келдик. Ярадек газаклатиб юбордик. Аммо турмушимиздаги бу хасталик нуқталари дафъатан деярли бир кунда яланғочланди ва бизни бироз довдиратиб қўйди. Гўё биз бу «нуқталар»ни биринчи марта кўраётгандай хайрон бўлдик. Холбуки, улар бизга аввал ҳам амълум эди. Бугун унда-бунда қулоққа чалинувчи «Нахотки, шунақа бўлса-я? У порахўр экан-да!» — қабилдаги саволларимизни самимий деб бўлмади. Бу «хайрат» ўша турғунлик даврининг заҳарли меваси — ижтимоий иккюзламачилиқдир.

(*Давоми кейинги саҳифада*)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Биз бугун ҳам ўша эски одат бўйича, долзарб муаммоларнинг қайсинисини кўтариш мумкин ва қайсинисига тегмаслик кераклигини кўпроқ ўйлаймиз. Ва, кўпинча, энг долзарби ва кескинлиги ҳали ҳам “гап тегиб қолмасин” қабилида айланиб ўтамыз, гапирмаймиз.

Биз порахўрликни давлат миқёсидаги порахўрликни фош этдик: жуда кўп раҳбарларни лавозимидан олиб ташладик, уларни ҳаётлигида ёки ўлимидан кейин жазоладик. “Қўшиб ёзганлар”нинг гуноҳкорини ҳам, баъзан беғуноҳларини ҳам қамадик. Уларнинг ўрнига янги одамларни — қобил ёки ноқобил кишиларни сайладик, устларидан назорат ўрнатдик. (Назорат “собик”лар устида ҳам бор эди) ва шу билан иш битгандай бўлди.

Энди қайта қуришнинг ҳосилини кутаяпмиз.

Чириган дарахт суғуриб ташланган жойда кутаяпмиз.

Менимча, узоқ кутсак керак. Чунки, биз жаҳолатни, ўғрилик ва нопокликни суғуриб олсак-да, уларнинг илдизини унутиб қолдирдик.

Мен асло бўрттираётганим йўқ.

Одамларимизнинг бутун жисмоний ва маънавий кучларини сафарбар қилиб, шахсий ҳаётига ўрин қолдирмайдиган монокултура — пахта ҳукмдорлиги давом этар экан, кишлоқ ва шаҳар ўртасидаги чуқур ижтимоий тенгсизлик (ўзбекларнинг деярли 80 фойизи кишлоқда яшайди) баргараф қилинмас экан, жисман ва маънан соғлом инсонни тарбиялаб етиштириш жуда қийин.

Мўъжиза кутмай кўяқолайлик: бунақа одам осмондан тушмайди. У бизнинг еримиздан ўсиб чиқмоғи керак, пахта билан бирга! Фақат одамни пахтадан фарқ қилсак, бас.

МУХБИР: Пахтакорнинг обрўсини кўтариш заруриги ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг сўнгги пленумида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мухаммад СОЛИХ: Тўғри. Лекин унинг обрўсини қуруқ сўз билан кўтариб бўлмайди. Пахтакорнинг яшаш тарзига, меҳнат шароитига эътибор берилиши керак. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, болаларимизни оғир меҳнатдан — дала ишларидан озод қилмоқ зарур. Биз бу борада жуда кўп гапирдик ва табиий, бу ваъдалар қуруқ сўз эканлигига ҳар йили амин бўлаяпмиз. Болалар ўқиш жараёнидан олиб олинди.

Уларнинг оталари меҳнатига келсак, бу меҳнат ҳозир кишлоқ хўжалигидаги энг оғир ва таажжубланарли даражада арзон меҳнатдир. Мана, гувоҳ бўлинг: 100 кило бугдой етиштириш учун 1,6 соат ишчи кучи, 100 кило пахта ҳосили олиш учун 37 соат ишчи кучи сарф бўлади. Ғаллакор бир соатлик меҳнати учун 62,5 тийин, пахтакор эса, 16

тийин, ғаллакорга қараганда деярли тўрт баравар кам ҳақ олади. “Пахтакорнинг меҳнати энгил эмас” дея билдирилган ҳамдардлик унинг аҳволини яхшилаётгани олмайди. Аниқ чоралар кўриш пайти келди. “Миллионер” хўжаликларни кўргазма қилиб, кишлоқнинг “бой хонадон”ларини ташвиқ этиш билан ҳам иш битмайди. Кишлоқ ҳаётини



ўз кўзи билан кўрган киши биз етмиш йиллик янги тарихимиз давомида деҳқоннинг турмушини у қадар яхшилаётганимизга шохид бўлади. Деҳқонларнинг аксарияти камбағал яшайди. Уч ойлик пахта компаниясини мустасно қилганда, деҳқон ойига, нари борса, 40-50 сўм маош олади.

Тўғри, яқинда деҳқон ҳаётида ҳам ёруғлик пайдо бўлди: оилавий пудрат амалга оширилди. Аммо унинг меҳнати муносиб баҳоланмас экан, пахтакорнинг нархи кўтарилмас экан, пудрат дегани деҳқон бўлини янги бўйинтуруқ бўлиб қолаверади. Чунки, деҳқон илгари ўзи ишлаган бўлса, энди бутун оиласини, болаларини ҳам далага ҳайдайди: зора, пландан ошириб пахта топширса-ю, кўпроқ пул олса, болаларни кийинтирса, ўқишга жойласа. Лекин юқоридан белгиланаётган планлар жаҳон чемпионларига қўйилган “планка” каби жуда баланд — уни ҳаммаям ошиб ўтолмайди.

Бундай беқадр меҳнат, бундай йўқил турмуш ва яратувчилик имкониятларини очиб йўлида эмас, нон топиш йўлидаги доимий бандлик, халқда руҳсизлик ва ижтимоий ғафлат туғдиради. Бу эса, ҳар хил порахўр, ўғри, муттахамлар учун энг қулай вазият — ўша халқ мулкини талон-тарож қилиш учун энг ўнғай майдондир.

Хуллас, ҳал этилиши шарт бўлган муаммоларимиз оз эмас. Ҳозирча, ҳамма нарсага тўғри қарашга, одил муносабатда бўлишга ўрганаётганимизни, янги ҳаёт қўйган илк қадам десак бўлади. Шак-шубҳа йўқ-ки, одам боласи асрлар бўйи орзу қилган манзил — покиза ёғдулар тўшалган манзилга етажак.

МУХБИР: Инсон дунёга ҳалоллигича келади. Уни тарбия, муҳит бузади. Шундай бўлса-да, кўпчилик ҳалол, тўғри яшасам дейди. Аммо ҳаётда энг қийин иш — ҳалол яшаш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Сиз бундан саккиз йил бурун ёзган эдингиз: “Тўғри бўлмоқ нима ўзи?”

Нима деганидир тўғри яшамок?”

Бу саволга бугун қандай жавоб берган бўлардингиз?

Мухаммад СОЛИХ: Ўтган йили бу саволга жавоб бўладиган бир фикр айтган эдим, агар такаббурликка йўймасангиз, ўзимдан “кўчирма” келтирардим...

МУХБИР: Керак гап такрорланса, менимча зарар қилмас...

Мухаммад СОЛИХ: “... Ёлғон айтиш тўғри сўзни айтишга қараганда хавфсизроқ. Зотан, инсоният тарихида ёлғон сўзи учун жабр торганлар кўпроқдир. Аммо виждони бутун одам ёлғон гапириб қутулишдан кўра, тўғриси айтиб тутилишни афзал кўради. Бу, албатта, телбалик эмас. Бу — унинг табиати. Ўша ўжар тоифага мансуб зотлар тарихда кўп учрайди. Уларнинг кўплигини кўриб, энг тушқун кимсанинг юрагида ҳам келажакка умид уйғонади: шундай одамлар яшаган экан, демак, бугун ҳам яшайпти, бундан кейин ҳам яшайди, деб ўйлайди у. Уларни дорга осгандилар, ўтда ёққандилар, сувга чўктиргандилар, аммо бугун қарасак, ҳаммаси тирик экан. Улар маънавият қасрининг устунлари, улар ўз юрглариининг ҳақиқий граждандир...”

Мен ҳозир ҳам шу фикрдаман.

Лекин жавобимни қундалик ҳаётимизда бир мисол билан яқунламоқчи эдим. Бундан иккинчи йил аввал Марказқўмнинг собиқ мафкура котиби Р.Абдуллаева олиб борган “сиёсат” оқибатида, тилимиз ва адабиётимизга ҳар хил тазйиклар бўлди. Бунга қарши бир неча ноширлар Ёзувчилар уюшмаси съездига очик хат ёзган эди. Бу хат (шахсан Р.Абдуллаева кўрсатмаси билан съездда ўқилмади. Ўқилмадигина эмас. Очик ҳатни имзолаган ёзувчилар пленумида “муҳокама” қилинди. Танбеҳ олди ва кейинчалик уларнинг босмаҳонага тушиб кетган китоблари узоқ вақт тафтиш қилинди. Бу гап эски, лекин ўша пайтда ноҳақлик тарафида туриб,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдиги саҳифада)

очик хатни ёзганлардан кулганларнинг, бугун: “сизлар ҳақ экансизлар, биз билмабмиз”, — деганига ҳайратланади киши. Демокчиманки, тўғри одам “ҳайрат”га ҳам тайёр бўлиши лозим.

Лекин, биринчи навбатда, тўғрилиқка тайёр бўлиш керак.

МУХБИР: Тўғрилиқ ҳақида гапирар экансиз, ҳаёлим бошқа томонларга кетди. Газета хабарида айтилишича, Ўзбекистонимиз аҳолисидан ноқонуний йўллар билан тўплаган 100 миллион сўм орган ходимлари томонидан мусодара қилинган. Эътибор беринг, Солиҳ ака, юз сўм эмас, юз минг сўм эмас — юз миллион сўм-а! Кичикрок давлатнинг бир йиллик даромади. Бу рақам четдан қараган кишида Ўзбекистонда бирорга ҳам ҳалол одам қолмаган экан-да, деган фикр туғдириши табиий.

Мухаммад СОЛИХ: Ҳа, юз миллион сўм ўғирлангани рост. Эҳтимол, ундан ҳам кўп пул ўғирлангандир. Бу ҳам ҳали очилса керак. Чунки, конун мутасаддилари Ўзбекистонда анча ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Бу — яхши, лекин Ўзбекистонда ўғирланган пулларнинг қанчаси бошқа жойларга кетган? Бу пулни ўмарган юлғунчиларнинг юқорирокдаги ҳамтовоқлари ким?

Марказий газеталар Ўзбекистондаги ўғирликларни фош қилаётиб, шу масалага ҳам эътибор қилса, яхши бўларди. Афсус билан айтишим керакки, менинг назаримда, бу иш бир ёқлама кетяпти. Агар шундай кетверса, хавфсирашингиз тўғри, Иттифоқимиз халқлари ўртасида “ўзбекларнинг ҳаммаси бир гўр — ўғри”, деган таассурот қолиши ҳеч гап эмас. Ўғрини фош қилиб унинг ҳамтовоғи ҳақида гапирмаслик, бугунги демократия ва адолат тушунчаларига мутлақо зиддир. Менинг бу борада фикрим — шу.

МУХБИР: Шу ўринда диққатингизни яна бир муҳим нарсага тормоқчи эдим. Охириг кунларда матбуотда, юксак минбарлардан айтилаётган бир гап тез-тез эътиборимизни тортаётган бўлиб қолди: Совет Армияси сафларига чақирилган ўзбек йигитлари орасида рус тилини билмайдиганлар, соғлиғи ҳозирги замон ҳарбий хизмати синовларига дош беролмайдиганлари ҳам бор. Сиз республикамизда ва марказий матбуотда бу мавзуларда мақолалар билан чиқдингиз. Наҳотки, баъзи йигитларимиз шу даражада ночорлашиб кетган бўлса?!

Мухаммад СОЛИХ: Йигитларимизнинг жисмонан заиф бўлиб етишяётгани, афсуски, ачиқ ҳақиқатдир. Бу ўзингизга маълум, экологик бузилишлар ва қишлоқ хўжалигини ёппасига химиялаштириш, қолаверса деҳқон ҳаётининг моддий ночорлиги оқибатидир.

Рус тилини билмагани сабабли,

болаларимизнинг ҳарбий техникани эгаллашда қийналаётгани ҳақида ҳам гап кўп бўлди. Бу борада мен ҳам фикр билдирган эдим. Аммо яқинда 1979 йилги статистик маълумотни кўриб, мен сал шошиб хулоса чиқарганимни англадим. Ўзбекистон бу жабҳада олдинги қаторлардан бирида турган экан. Бу ҳақиқатни сал бўрттириброк кўрсатаётган эканмиз.

Умуман, биз бирор тилнинг (хоҳ ўзбек, хоҳ рус тили бўлсин) ижтимоий роли ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, масалани кўпинча, бир ёқлама қарай бошлаймиз.

Бизда Конституцияга ёзилган “тенглик” деган сўз бор. Бу сўзни таҳлил қилиб ўтиришнинг кераги йўқ. Биз рус тилини ўрганишга ташвиқ қилар эканмиз, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа миллатлар ўзбек тилини биладим, йўқми деб ўйламаймиз.

Машҳур гуманист ёзувчи Эразм Роттердамский бирор бир мамлакатнинг бирор вилоятига бормоқчи бўлса, ўша вилоят лаҳжасини (тил эмас, лаҳжа!) ўрганиб, кейин йўлга чиқар экан.

Ҳақиқий зиёли, ўзини таниган одам ўзга маданият ва ўзга тилга шундай ҳурмат билан қарайди. Яқинда “Ўзбекфилм” кинохроникасида тилга бағишланган бир ҳужжатли филм муҳокамаси бўлди. Филм лавҳаларида рус мактабида таълим олаётган болалар ўзбек тилида “нон”, “бер” ёки “пул” каби сўзлардан бошқа сўз билмаслиги тасвирланади. Ижтимоий ҳаётимизда тил сиёсати ҳам тенгликка қурилиши лозим.

Кейинги пайтларда рус тилини роли хусусида кўп гапирдик. Рус тили ўқитувчиларини рағбатлантираёпмиз, рус тилига бағишлаб конференция, мажлислар ўтказаяпмиз — бу жуда яхши.

Биз қанча кўп тил билсак, ўзимизга шунча дуруст бўлади. Аммо ҳали ҳеч қаерда, ҳеч ким — на тилчилар, на ўқитувчилар, на олимлар ўзбек тилининг бугунги аҳоли ҳақида мулоҳаза юритиш учун тўпланмадилар. Ҳар ҳолда, ижодкор сифатида менинг бундай тадбирлардан хабарим йўқ. Ўзбек тилининг аҳоли мақтанарли даражада эмас.

Биринчидан, ўзбек тили анчадан бери идора тили бўлмай қолди: аризалар, ҳужжатлар, буйруқлар ва ҳоказолар фақат рус тилида ёзилади: барча эълонлар, кўча номлари, ҳатто қишлоқларда ҳам русча ёзилади. Ўзбек тилига менсимай қараш ҳоллари, айниқса, олий ва ўрта таълим мактабларида яққол кўринади. Ўрта мактабнинг ўзбек синфларида ўзбек тили 3 соатгача қисқартирилган. Ўзбек тили ўқитувчилари эса, мактабда энг “обрўсиз” одамлар-ки: уларнинг фани — она тили ўқиш жараёнида ҳарқандай бошқа дарс билан алмаштирилиши мумкин. ўқитувчи ва унинг ўқитадиган фанига бўлган ҳурматсизлик — тилга

бўлган ҳурматсизликдир.

Техник ва тиббиёт олий ўқув юртларида маърузалар ўзбек тилида ўқилмайди. Бу қоидани ўйлаб тошган ташаббускорлар ўзбек тилида техник атамалар йўқлигини рўқач қилишади. Бу бўлмаган гап. Агар биз ўз тилимизнинг нақадар бойлигини билсак эди, агар уни севсак эди, ўша атамалар китобини қисқа муддат ичида тузиб, чоп қилиш мумкин бўларди. Гуржистон ва Арманистонда, Эстония ва Литвада бу хил китобни ўз тилларида чиқарса-ю, нега биз чиқармас эканмиз? Ёки бизнинг тилимиз уларникидан ночорроқми? Ўзбек тилида ўқитишга қарши кишиларнинг яна бир баҳонаси шуки, рус тилини яхши билмай туриб, компютерлар “сири”ни англаш кийин ва бу Иттифоқдаги иқтисодий бирликка раҳна солармиш.

Биринчидан, агар истак бўлса, компютерлар соҳасида ҳам худди ўша атамалар мажмуасини яратиш мумкин. Ахир эсланг, “Алгебра” — “Алжабр”ни ким яратган? Хоразмий-ку. Иккинчидан, нега бор-йўқ муаммони фақат рус тилига тақаб гапирадиган бўлиб қолдик? Наҳотки, биз ўз тилимизни билсак, унда ёсасак, мушоҳада қилсак бу интернационализмга зид бўлса?

Ўз тилимизни ўзимиз ҳурмат қилмасак, бошқалар ҳам ҳурмат қилмайди. Яқинда бир воқеанинг шохиди бўлдим: Украиналик бир ёш шоир (Олес Ткаченко) ўзбек тилини ўрганиб, шу тилдан таржималар қиламан деган ниятда Тошкентга келган экан. Уни Ёзувчилар соҳида кўриб қолдим. Кутубхонадан шошиб чиқди. Саломлашдик. “Нима бўлди, ҳаяжонланиб юрибсан, Олес?” десам, аввал индамади кейин кутубхоначи аёлдан хафа бўлганини айтди. Олес “Ўзбекча-русча луғат” сўраган экан. Кутубхоначи эса: “Ўзбек тили ўлик тил-ку, нима қиласиз ўрганиб?” дебди.

Агар бу бизнинг турмушимизга шунчаки бир тасодиф бўлганда эди, агар ўзбек тилини менсимаслик фақат мактаб ёки кутубхоналардагина бўлганда эди, биз бунга урғу бериб ўтирмасдик. Афсуски, бу кенг тарқалган касал. Ҳатто кўпгина ўзбеклар ҳам ўз тилига кибр билан қарашади...

Пайти келди, ўзбек тилида чиқаётган китоблар ҳақида ҳам бир оғиз айтсам. Вақтингизни олмаслик учун фақат рақамларни келтираман. 1940 йилда Ўзбекистонда 600 китоб нашр қилинганда, аҳолимиз 4 миллион эди. Бугун ўзбеклар 14 миллионга етай деб қолди, лекин ўзбек тилида нашр қилинаётган йиллик китоблар сони бор-йўғи 900 та.

Ёки бошқа бир мисол: ўша 1979 йили 4 миллион аҳоли Гуржистон 1549 та китоб нашр этган, 1975 йилда бу рақам 1715 тага етди. Ушбу

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

рақамларни солиштириб кўрсангиз, биз нашр сийсатида ғалати бир тарзда ортга чопаетганимизни кўрамиз. Ўзбек тилида ўқийдиган китобхонлар сони кўпаймоқда, ўзбекча китоблар сони эса, камаймоқда. Пахта плани, гўшт, сут, сабзавот планлари ошади, нашриёт планлари, негадир, қисқаради. Бу ҳам ўзбек адабиётига ва унинг китобхонига, демак, ўзбек тилига муносабатнинг бир кўриниши.

МУХБИР: Балким миллатнинг сифатини яхшилашга. Таклиф қилинаётгандек, “туғилишни тартибга солиш”, “оилани планлаштириш” туфайли эришармиз? Оилада ўн касалманд бола чор-ночор кечирганидан кўра, беш соғлом фарзанд ўйнаб-қулиб, тўқ-фаровон яшагани маъқул эмасми?

Мухаммад СОЛИХ: Болаларнинг ўнтаси касал бўлса, бештаси соғлом бўлишига ким кафолат беради. Менимча, масала бошқа ёқда. Утган йили “Известия” газетасида кичик бир суҳбат эълон қилинди. Унда ўзбек оилаларида туғилишни камайтириш ҳақида фикр билдирилди. Кейин туғилаётган болаларнинг аксарияти носоғлом эканлиги айтилди. Бу жуда тўғри фикр эди, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон болалар ўлими бўйича Иттифокда биринчи ўринда туради. Лекин бунга туғилишнинг нима алоқаси бор. Шунини тушунмадик. Ахир болалар кам туғилгани билан касал камроқ бўлмайди-ку!

Биз шундай деб ўйладик, аммо суҳбатдаги бу фикр қанчалик зиддиятли бўлмасин, уни тасодиф сифатида қабул қилдик. Агар бу ғалати фикр бошқа жойларда, суҳбатларда кўтарилмаганда эди, уни бутунлай унутган бўлардик.

Биз фақат шундагина ҳушимизга келдик. Туғилишни камайтириш ғояси бир одамники эмаслигини сездик. Ва бу ғоянинг нотўғрилиги ҳақида мажлисларда, Ўзувчилар уюшмаси пленумларида гапирдик. Аммо шу кунгача бизнинг фикримиз инobatга олингани йўқ. Бугун туғилишни камайтириш учун ташвиқот нафақат кишлоқларда, ҳатто шаҳар туғриқхоналарида ҳам авжга чиққан. Кишлоқни тушуниш мумкин, аммо шаҳар-чи? Шаҳарлик оналар ҳам майиб-мажруҳларни туғаяптими?

Хуллас, туғилишга қарши келтирилган далиллар бир-биридан кулгили, бир-биридан зиддиятли. Менимча ҳар бир миллатнинг кўпайиши ёки кўпаймаслигини идоралар эмас, ўша миллатнинг ТАБИАТИ белгилайди.

Агар шу табиий мувозанат сунъий равишда бузиладиган бўлса, биз бутун дунёга кулги бўлишимиз муқаррар ва ғоявий муҳолифлар кўлига яна бир “миллий дастак” тутган бўламиз.

МУХБИР: Бундай шошма-

шошарликлардан хориждаги мафқураси бузук ҳарифларимиз фойдаланишни жуда яхши билишади, уларнинг тегирмон тоши янада тез айлана бошлаганини биламиз.

Мухаммад СОЛИХ: Гапингиз жуда тўғри. Бунга бир мисол келтирай: Н.И.Журавлева ўзининг “Антисоветизм буржуазной демографии” катобида Ғарб демографи А.Шихи мақоласидан парча келтиради: “Ўрта Осиё республикаларида аҳолининг кўпайишига қарши бирор чора кўриладими-йўқми, ҳали маълум эмас. Ҳар ҳолда, туғилишга қарши расмий кампания — иркий дискриминатсия, деб айбланиши мумкин, чунки, бир вақтнинг ўзиде русларда туғилиш рағбатлантирилади” (124-бет).

Бу буржуа демографининг гапи. У худди шундай “кампания” бўлишини башорат қилгандай бўлди. Аммо у бир нарсадан қаттиқ адашган: биз ҳеч кимни иркий дискриминатсияда айблай олмаймиз. Бу — аниқ.

Лекин биз ўзбек оилаларида болаларнинг касал туғилаётганига сабабчи ночор тиббиёт ва бу фожеага лоқайд қараб турган мутасадди ташкилотларни айблаймиз. Биз “болалар ўлимига сабаб кўп туғишдир” дея, ҳақиқатни яшираётганлар, дефолиантлар, гербитсидлар ва бошқа химиявий дорилар дастидан шундай фожеали аҳволга юз бурганлигимизни яшираётганларни айблаймиз.

МУХБИР: Сухбатимиз ватанпарварлик, халқпарварлик ҳақида борар экан, шундай савол туғилади: бу муқаддас туйғулар адабиётимизда қай даражада ўз ифодасини топмоқда? Бу борада Сиз мансуб авлод ижодкорлари билан ёзувчиларимиз қаршида қандай уйғунлик ва фарқлар кўрасиз?

Мухаммад СОЛИХ: Олтмишинчи йиллар ва етмишинчи йилларнинг бошларида Абдулла Орипов ижоди биз учун шижоат намунаси бўлди. Унинг ҳар бир шеърини зориқиб кутардик. Сал кейинроқ Рауф Парфи шеърлари кўпроқ диққатни торта бошлади. Етмишинчи йиллар охирида янги шеърини авлод дунёга келди. Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Тилак Жўра, Хуршид Даврон, Йўлдош Эшбек, Азим Суюн ва бошқалар. Улар менинг тенгдошларим ва дўстларим. Шунинг учун ҳам уларни макташ менга ноқулай.

Саксонинчи йилларнинг бошида янги шоирлар Усмон Кўчқор, Мухаммад Юсуф, Мирза Кенжабек, Сирожиддин Саидов каби бир қатор истеъдодли ёшлар кўзга кўрина бошлади. Мен бу ҳар хил ёшдаги шоирлар орасида бир фазилат уйғунлигини сезаман: юқорида айтганим — шижоатни сезаман. Ва бу билан фахрланаман.

Сухбатни Қ.Очилов олиб борди Сухбат “Ёш ленинчи” газетасининг 1988 йил, 25 феврал сониде эълон қилинган. ШАХСЛАР МАМЛАКАТИ

Манба: Facebook.com



Конституцияда белгиланган бепул тиббий хизматдан фойдаланишимиз ёлғон экан-да?

Қизим Суннатова Камола шу йил коллежни тамомлаб уч томонлама шартномага мувофиқ ишга жойлаштирилишдан умидвор бўлиб июль ойида тиббий кўрикдан тўлиқ ўтган эди. Аммо уч томонлама шартнома сохта тузилганлиги боис ишга жойлаша олмай шу кунгача бекор қолди.

Йил охирида узоқ шикоятбозликдан сўнг яъни 20 декабрда унга мусиқа мактабидан иш беришмоқчи бўлганида тиббий дафтарчасидаги хато яъни кўрикдан ўтказган Кармана туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий поликлиникадан терапевт хулосаси ёзилмаганлиги айтилибди. Мен бу камчиликни бартараф этилишини сўраб бош шифокор Фарход Ходжаевга илтимос билан чиқдим. У эса тиббий кўрик пуллик бўлгани ва кассага 49 минг 600 сум тўлашим кераклигини айтди.

Мен эса 2 гуруҳ ногирони ва ёлғиз она сифатида 2 нафар фарзандимнинг ягона боқувчиси сифатида 226 минг сўм нафақа эвазига яшаб келаётганимизни, қизим ҳам коллежни тугатиб энди ишга жойлашаётганини айтиб имтиёзли ёрдам кўрсатилишини сўрадим.

Аммо унинг айтишича қонунда ҳеч қандай имтиёз йўқ экан. Сўнгра вилоят хокимлиги ва вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг ишонч телефонлари орқали ҳам кўмак сўрадим. Улар ҳам худди шу жавобни беришди. Айни пайтларда мени мутлақо пул тўлаш имконим йўқ бўса, демак Конституцияда белгиланган бепул тиббий хизматдан фойдаланишимиз ёлғон экан-да?

Дилдора БОЙМУРОДОВА
мустақил журналист,
Ўзбекистон, Навоий вилояти

(Давоми: Боши олдинги сонда)

VI қисм Салла ўрнига калла...

*Йўлдошларим
Южел Танай ва
Ҳакан Жошқунарсланга*

“Мўминлар учун энг оғир замон қайсидир?” деб пайгамбар (с.а.в) дан сўраганларида, пайгамбар (с.а.в): “Ҳаромзодалар ҳалқ устига ҳукмрон бўлганда” деган эканлар.

Алихонтўра Соғуний “Туркистон қайғуси” китоби

“Элни алдаган ҳукмдор – ўзига гўр қазийди”.

Абдурахмон Жевачи

Шеърлар сараланиши арафасида Ҳамид Исмоил ва Муҳаммад Солиҳ мендан:

“ Мехмонлар Самарқандни зиёрат қилишмоқчи, Сизда вақт масаласи қандоқ? “ деб сўрашди. Бундоқ хайрли таклифни ким рад этади? Жон деб рози бўлдим. Улар мамнун бўлишди. Французлар ҳам. Шу аснода кўнглимда бир истак уйғонди. Буни уларга айтдим:

-Гўзал Зомин, Бахмал тоғлари оша Самарқандга борсак нима дейсизлар? Бу – кўноқларга ҳам, ўзимизга завқ бағшлайди.

-Аъло! – деди Муҳаммад Солиҳ.

-Йўл хатарсизми? – деб сўради Ҳамид Исмоил.

-У давонлардан кўп ошганман, Ҳамид. “ Жигули “м янги. Ўзим ҳайдайман. Безовта бўлманг.

-Ҳар ҳолда французлар... – у гапимни тугатмади.

Шундан кейингина мен унинг ховотирини англадим.

-Сизлар Москва рухсати билан Ўзбекистонга келдиларингиз. КГБ буни билади. Менимча, ташвишга ўрин йўқ.

-Барибир эҳтиёт бўлайлик.

-Мен зўр ҳайдовчиман, — деб мактанди, — омон – эсон бориб келамиз.

-Кулишда.

-Кўнгли ҳар нарсани олдиндан сезади – Муҳаммад Солиҳ ўзига хос овозда дўриллади, — йўлимиз очик.

-Иншолло, — Ҳамид Исмоил ўзининг ихчам гавдаси ва кўркам юзига ярашиб турган сақолини силади, — менимча, бу эсда қоладиган саёҳат бўлади.

-Тарихий, — кўшимча қилди Муҳаммад Солиҳ.

-Ҳозирлик кўринлар, дўстларим, бир соат ичида жўнаймиз, — мен

кабинетга кирдим. Ёзувчилар Уюшмасининг Жиззах вилояти бўлими бошлиғи шоир Соттор билан телефонда қўнишдим:

-Мехмонларни Зоминда кутиб олишга имкон, иштиёқинг борми, дўстим?

-Кучоқ очиб, устоз.

Саттор “Ж “ловчи ўзбекларга хос кўнгли очик йигит. Зомин тумани марказига ёндош “ Лайлак уяси “ кишлоғида яшайди “ Қарабчи” уруғидан. У



Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-28

“ Қарабчи “ нинг катта қисми Покистонда яшаяпти “ деб менга кўп айтган.

Эски танишим – Бахмал туманининг “ Бахмал “ совхози директори Абдувоҳоб оғани телефонда тополмадим. Шунга буни Турсун туркка юкладим.

Тиник кайфият, тиник руҳ билан йўлга тушдик. Куёш тоққа талпинаётганда, хайбатли тоғлар остонасида қарор топган “ Лайлак уяси “га етдик. Саттор қўй сўйиб қарши олди. Тоза суприлган ҳовлига сув сепилган. Боғда қушлар сайрамоқда. Юз – кўлларимизни шилдириб оқаётган жилғада ювдик, оппоқ сочиқларга ортдик. Атлас кўрпачалар тўшалган сўрига чикдик. Терги патир , карчланган қовун – тарвуз, олма, анор, нок, узумлар билан ғарк. Бунинг устига Саттор “ Чўллаб келгансизлар “ дея олдимизга кўзачаларда айрон, қатик ва сўнг ўрис ароғию “ Самарқанд “ коньякларидан олиб келиб қўйди. Юксак чўққилари оппоқ булут, оппоқ қорлар билан қуршалган тоғдан минг бир дардга даво ҳаво оқиб энмоқда. Салкин – салкин сабо ҳам. Менинг наздимда Французлар ўзларини афсонавий бир юртга тушуб қолгандай ҳис этишмоқда. Тергига ҳам ҳайрон – омуз боқишаётгандай ва мунча емоқ нечун дейишаётгандай гўё.

Жўқчи ўзбеклар юз – тузилиш, лаҳжа ва удум жиҳатидан қозоқларга яқин туради. Тергига коса – коса шўрва, товоқ – тавоқ эт келтиришди. Қўйнинг бошини ҳам. Уни ўртада айланттирдик. Французлар ажабланишди.

-Кўп мамлакатларда бўлганман, — деди Хенри Делуа, — лекин бундайини кўрмаганман.

-Ажойиб ! – Жан Пиерре Балпе жилмайди.

-“ Самарқанд “ коньяги ҳам ўзига хос таъмга эга. Тиник. Ўткир. Уни

“Напалеон “ коньяги даражасига кўтариш мумкин. Технологи устида сал ишланса...

-Бу юртда куёш мўл, шунга мевалари бекиёс . Узуми тилни ёради. “ Самарқанд “ коньягининг зўрлиги шундан. Агар, бу ерда, Ҳенре,

“ Самарқанд “ — “ Напалеон “ қўшма ширкати очилса, сен айтган фикр амалга ошади. Бу – ҳар икки давлат учун ҳам фойдали, деб ўйлайман.

-Икки кўз орасида бурин бор... – деди Муҳаммад Солиҳ ўйчан овозда.

-Чириган... — Ҳенре уни бехато англади.

-Оз қолди... – Жан — Пиерре Балпе уларданда мавҳум сўзлади. Бироқ , ҳали СССР оёқда эди. Гарчи томирлари чириса ҳам. Жан шундан келиб чиққан ҳолда “ Оз қолди ...” дея унинг қулашига шаъма қилган бўлса не ажаб?

Тун кираётганда Саттор билан кучоқлашиб хайирлашдик. Йўлнинг буёғи ўрлик. Икки давон ошсак, Бахмал юз очади. Гўзалликда тенгсиз Бахмал!

Тоғ сўқоғи эмасми, орқамизда ҳам, олдимизда ҳам бир машина кўринмайди. Ўнгда Зоминсой йилтираб оқаяпти. Тоғ ён бағрлаб юриб соғга – икки тоғ оралиғи аро қурилган тўғонга бурилдик. Ундан ошганимиздан кейин “ Ўрикли “ санаторияси чироқлари юлдишлар мисол милтираб кўринди.

-Худди эртақларда ўқиганим – жинларнинг чироқларига ўхшайди улар, — деди Ҳенре.

-Менга ҳам шундай туюлаяпти, — деди Жан.

Ҳадемай “ Ўрикли “ни ҳам босиб ўтдик.

Чўққидан Шароф Рашид дачаси сари зарлар сочароқ

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

шовуллаб қуйилаётган шаршара рўпарасидаги қияликда пича тин олдик. Сўнг шохлари тик ўсган арчазорлар оралаб чопган сўқоқдан юксакка ўрлашда давом этдик. Агар чўққидан бу йўлга қарасангиз, у буралиб ётган кулча илонга ўхшайди.

Сува давонига етмасдан сўқоқ сўлида бир булоқ бор. Суви муздек, тиник, шифобахш. Унинг

Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-28

атрофидаги арчалар кесилган, тегра кенгайтирилган, текисланган. Булоқнинг икки ёнига чиройли бир тарзда тош терилган. Ундан бир ирмоқ сув чиқиб, қуйига оқмоқда.

Ҳар йўловчи булоқ қошида тўхтайтиди. Чайинади. Ҳовуч – ҳовуч сув ичади. Дам олади. Арчалар, чечаклар, кўкатлар ислярию гўзалликни туяди. Мен ҳам “Жигули” ни булоқ ёнига – арча остига тўхтатдим. Бундан уч мақсадни кўзладим.

Биринчиси: кўноқларни гўзалликдан баҳраманд этиш.

Иккинчиси: маторни совутиш.

Учинчиси: изимизда “дум” бор – йўқлигини билиш.

Ирмоқда яйраб ювиндик. Юлдузлар тўкилаётган булоқ сувини армонсиз симирдик. Бу – бизга рухий энгиллик ва жисмоний қувват ато этди. Гўё ўзимизни яшаргандек ҳис қилдик. Сўнгсизу абадийдек туюлаётган аргазорлар узра ой қалқди. Шунда, ногоҳон қулоғимизга кучанганнома бўғиқ машина овози чалинди. Бироқ ёруғлик кўринмади. Сергак тортидик. Ихтиёрсиз равишда бир – биримизга саволомуз боқдик.

Бир неча дақиқа кечмай фаралари ёқилмаган “Москвич” олдимиздан ўтиб кетди. Ичидагилар кўринмади. Ҳатто шофёр ҳам.

— КГБ, — деди Ҳамид Исмоил.

Қутилмаганда кўнглимга шу гап келди: Ҳозир ҳаммамизни отиб кетиши ҳам мумкин эди. КГБ га гапмас бу. Олис тоғлар ораси... Ҳеч замон қотил топилмасди. Отди, кетди, из ўчди. Топшириқ олмаган – да. Йўкса...”

Бизни кўриқлаб келаяпти – да, — кулди Ҳенре. Бошқаларни билмадим, мен унинг овозига қотилган ҳадикни уқдим. Муҳаммад Солиҳ тўнғиллади:

— Пойлаб...

— Ҳамид Исмоил бекорга

ховотир олмаган экан, — дедим мен.

— “Москвич” дан бошқа ё олдимизда ё орқамизда яна бир машина бор,- деди Ҳамид Исмоил, — кедик, жўралар.

Ой оҳу бўйи кўтарилганда Сувага чиқдик. Жан Пьерре Балпенинг илтимосига биноан “Жигули” ни тўхтатдим. Машинадан тушдик. Борлиқ ой, юлдузлар ёғдуларига фарқ. Муздек шамол баданларимизни жунжуқтиради.

-Халқаро чанги мусобақаси ўтказишга мос давон экан бу, — Жан Ҳайбатда беқиёс тоғларга орзиқиб боқди. Мен уни шу мақсадда машинани тўхтатганини англадим.

-Қандай фикрий ўхшашлик, — дедим унга, — бир кезлари Шароф Рашид шу масалада Москвага борган, ҳатто Л. И. Брежневни кўндирган. Лекин куйи қисм... буни орқага сурган.

Вақт шафқатсиз...

Шохлар ўткинчи...

Леонид Ильич ўлади. Иккинчи Сталин – асроил Андропов тахтага келади.

Мансабпарастдан,

Жаллоддан,

Олқоқдан,

Паскашдан яхшилик кутиш – аҳмоқлик.

Шарқда катта ҳурматга эга бўлган Шароф отани очикча айбаш, очикча ўлдириш – дунёвий гап – сўзга сабаб бўлади. Шу боис унга яширинча оғу беради... Бу қотиллик илдизи очилади.

Қачонлардир...

Миллат соғ бўлса...

-Инсонга фойдали фикр яшайди, — Ҳенри мени қувватлади, — замонлар ўтар. Шароф Рашидов орзуси амалга ошар. Мен шундай ўйлайман.

— Тангри кўлласса, — дедим

“Жигули” га ўтирарканмиз. Қизилжар дарасини кечганимизда, мен сўл кўлимни ҳадсиз тоғларга чўзиб дедим:

-Тожикистон... Айний тумани...

Бу томон, — ўнга ишора қилдим,

— Ўзбекистон... Бахмал тумани...

Кечаси соат ўн иккиларда бир томони Чин, бир томони Афғону Ҳинд ерларигага чўзилган тоғлар тўридаги “Бахмал” совхози дачасига соғ – омон кириб бордик. Абдуваҳоб оға бизни иззат – ҳурмат билан қарши олди. Боғ уйнинг

этагида, оқаётган “Бахмалсой” да ювиндик.

-Шу сойдан Сангар дарёси туғилади, — дея директор бизга тушунча берди, — йўлда унга бошқа ирмоқлар ҳам қўшилади. Эл-улус “Бахмалсой” сувидай жонга ором сув дунёда йўқ “дейди.

Буни Ҳамид Исмоил французчага эвирди. Французлар тошлоқ кирғоқларга урилароқ, марваридлар сочароқ гулдираб елаётган сойга маҳлиё боқдилар. Абдуваҳоб оға ва унинг дўстлари таклифларига биноан сершоҳ оғочлар остига, турли – туман емоқ, ичмоқлар – ла яшнаб турган кенг, узун стол атрофига, юмшоқ ўриндикларга ўтирдик.

-Аъло!- Ҳенри яшноқ дастурхон ром айлади.

-Шаҳона! – Жан дўстига шивирлади.

Шунча йўл босиб келсак ҳам, унча чарчоқ сезмадик. Оз – оздан коньяк, сув ичдик. Оз – оздан тотли мевалару янги сўйилган қўй этидан тайёрланган лаззатли таомлар едик. Сухбатимиз ҳам ширин кечди. Соҳилда биров сайр қилдик. Улкан оғоч япроқлари ораларидан сизиб ўтаётган ой, юлдузларнинг афсонавий шуълалари билан беланган сўрида тош қотдик. Ҳаво шаффоф ва муздек эди. Ўлмас куёш ўлмас тоғлардан ойчечак баландлигида бўй чўзганда уйқуга қониб, кучга тўлиб уйғондик. Гувуллаб чопаётган тошқин сойда чўмилдик. Баданларимиз бениҳоя ором олди. Рухимиз осмон қадар ўсди гўё. Сут, қаймоқ, қатик, патир, товук шўрва билан нонушта қилдик. Абдуваҳоб оға Французларга дўппи, чопон кийдирди, белларига белбоғлар боғлади. Ўзбек бўлганлари билан қутладик. Қадирдон жўралар каби хайирлашарканмиз, Французлар директор ва унинг дўстларига ташаккур билдирдилар.

-Тангри бизни яна кўришишга насб қилсин! – деди кўлларини юзига суртиб Абдуваҳоб оға. Ҳенре ҳам ўз хиссиётини яширмади:

-Табиатларинг Швейцариядек гўзал, қалбларинг ҳам, яхши кунларда учрашайлик!

Қадим турк боболар қурган, минг – минг асрларни мардона кечиб келаётган кент – Самарқандда бир кун бўлдик. Муқаддас жойларни зиёрат этдик. Юртолар Темур ҳокон қабри қошида сукут сақладик. Миямда унинг сўзи бонг урди:

(Давоми келгуси сонда)



Туркиядан келаётганлар сўроққа тутилмоқда

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Тошкент аэропортида «Исломиий давлат» экстремист ташкилотига алоқадор шахсларни аниқлаш бўйича махсус гуруҳ иш олиб бормоқда. Йўловчилар орасида «ИГИЛ-контроль» номи билан танилган гуруҳ хориждан учиб келган йўловчиларни махсус суҳбатдан ўтказмоқда. Айниқса, Туркиядан келаётган йўловчилар алоҳида хонага олиб кирилиб, сўроққа тутилмоқда. Бунинг оқибатида Тошкент аэропортидан чиқиб олиш бир неча соатга чўзилаётганини айтишади йўловчилар. Ўзбекистон хавфсизлик идоралари бир тарафдан фуқароларни ИШИД таҳдидига оид ваҳимали гап-сўзларга ишонмасликка чақирмоқда, иккинчи тарафдан бундай фавқулодда чораларни жорий этиб, ваҳиманинг урчишига ҳисса қўшишмоқда.

Тошкент халқаро аэропортида «Исломиий давлат» экстремист гуруҳига алоқадорлиги эҳтимоли бўлган шахсларни аниқлаш тадбири ўтган ойда бошлангани айтилмоқда. Бу тадбирни амалга ошираётган махсус гуруҳ чегара хизмати билан биргаликда хориждан келаётган ҳар бир йўловчини савол-сўроқ қилмоқда.

«ИГИЛ-контроль»

Ўзбекистонлик ва хорижлик йўловчилар орасида аллақачон «ИГИЛ-контроль» деган ном билан танилган гуруҳ, айниқса, Туркиядан учиб келган йўловчиларни синчковлик билан, алоҳида хонага олиб кириб, текшираётгани

айтилмоқда.

Душанба куни тонг саҳарда Германиядан Истанбул орқали Ўзбекистон пойтахтига учиб келган 28 ёшли аёл «ИГИЛ-контролнинг» жорий этилгани Тошкент аэропортига хос бўлган саросимани янада кучайтирганини айтади.

«Куни-кеча Туркия орқали Тошкентга учиб келдим. Тонг соат 7:35да самолётдан тушиб аэропорт биносига етиб қилишимиз биланок, ўзбекларимиз бирдан шоша-пиша паспорт назоратидан тезроқ ўтиб олиш учун чоғиб қолишди. Хайрон қолдим, улар ватанимизни шу қадар соғиниб қолишганмикин, деб ҳам ўйлаб қолдим. Кейинрок, гап нимада эканлигини тушундим. Паспорт назоратида анча навбатда кутишга тўғри келди. Ниҳоят назорат ўтказиш жойига келиб, паспортимни узатсам, чегарачи паспортимни олиб қолди. 15 минутлардан кейин ўзи билан бирга яна бир одамни бошлаб келди ва иккаласи мени сўроққа тута бошлади: «Европада нима қиласан? Неча пул оласан?» ва ҳоказо. Мен Туркияда яшамаганим, Европадан транзит учиб келганлигим боис ишим осон битганини тушундим. Туркиянинг ўзидан учиб келаётганларнинг ахvoli вой бўлди. Биз билан бирга шу вақтда Туркиядан иккита рейс учиб келган экан. Барча йўловчиларнинг паспортлари чегарачилар томонидан олиб қўйилди», дейди тошкентлик жувон.

Тошкент халқаро аэропорти шундоқ ҳам йўловчилар учун энг қулай аэропортлар сирасига

кирмайди. Чегара хизмати томонидан ўтказиладиган паспорт назоратидан камида 30-40 дақиқада ўтган йўловчи, кейин юқларини кутади, ташқарига икки соат деганда чиқади. «ИГИЛ-контроль» одамлар учун ортқча саргардонлик бўлмоқда, дейди суҳбатдошимиз.

«Одам тикилинч. Ўтиришга жой йўқ. Озодлик учун расмга олмоқчи эдим, аммо иложи бўлмади. Туркиядан келганларни битта-битта чақира бошлади. Битта алоҳида хонага олиб кириб, сўроқ қилди. Кирганлар узок чикмаяпти. Афтидан, уларни сўроқ қилганлар шошилмаяпти. Энди булар тушгача аэропортдан чиқолмайди, деб ўйладим. Менку икки соат деганда аэропортдан чиққанамга хурсанд бўлдим. Ташқарига чиққач алоҳида хонага кириб чиққан бир опадан «ичкарида нима бўляпти», деб сўрадим. Э, бу «ИГИЛ-контроль» экан, дейишга ҳоли бўлди холос», дейди тошкентлик аёл.

«ИГИЛ-контроль»дан СІР зали ҳам қутқармайди

Тошкент халқаро аэропортида оддий кутиб олиш залидаги саргардонликларни айланиб ўтмоқчи бўлганлар СІР (Commercial Important Person), яъни Тижорий аҳамиятга эга шахслар зали орқали 200 АҚШ доллари атрофидаги ҳақини тўлаб чиқиши мумкин. Лекин СІР зали ҳам «ИГИЛ-контроль» сўроғидан қутқармайди.

Германия университетларидан бирида ўқийдиган Акмал исмли йигит ҳам душанба куни Истанбул орқали учиб келди. Айнан ортқча сўроқ-саволни айланиб ўтиш учун 180 доллари ҳақини тўлаб, СІР зали орқали чиққанини айтади у.

«Ўзбекистонга янги йилни уйдагилар билан нишонлаш учун келдим. Уйда бўлмаганимга бир йилдан ошди. Ўзи Германиядан учиб кетишимдан аввал тинишлар айтишган эди: «Туркия орқали учсанг, текширишади, сўроқ-савол қилади», деб. Шунинг учун университетдан махсус маълумотнома олишимни маслаҳат беришди. Ортқча савол, ҳар хил гап бўлмасин деб, уйдагилардан СІР залидан кутиб олишларини сўрадим. 180 доллар турар экан. Тикилинч, навбат кутишлар бўлмади-ю, лекин чегарачи барибир сўроқ қилди. «Германияга нимага бординг? Нега Истанбул

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

орқали учдинг?” деб суриштирди. Хуллас, ким билан қизиқшганини ўзингиз яхши тушуниб турган бўлсангиз керак. Айтишларича, ҳозир бундайларнинг кўпчилиги Туркиядан келяпти экан”, дейди Акмал.

Унинг айтишича, бундай фавқулодда чораларнинг кўрилгани одамлар орасида ИШИД таҳдидига оид ваҳимали тахминлар ва гап-сўзларнинг урчишига сабаб бўлмоқда.

Ҳақиқатга ўхшайдиган миш-миш

Айни пайтда Ўзбекистон хавфсизлик идоралари ўзбекистонликларни “йирик шаҳарлар ва пойтахтда урчиётган ваҳималарга берилмаслик”ка чақирмоқда.

Шу ҳафта бошида Ички ишлар вазирлигининг террорчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи подполковник Ўктам Муродов асосиз миш-мишларни тарқатишга уриниш ҳаракатларига кескин чора кўрилишидан ҳам огоҳлантирди.

Вазирлик мулозими мамлакатда аҳолини ваҳимага соладиган воқеа-

ҳодисалар кузатилмаётгани ва вазият умумиятла тинч эканини алоҳида таъкидлади.

“Турли миш-мишлар, агар айтиш мумкин бўлса, ғийбатлар, мисол учун, Тошкент ИИБ биноси яқинига кимдир қора байроқ осиб кетибди, ўша ерда автостоякда бомба ўрнатилган машина топилибди, қабилидаги ғийбатлар ўз ҳаракатлари билан ваҳима ва кўркув уйғотишга уринаётганини тушунмаётганлар томонидан тарқатилмоқда. Бунақа асосиз миш-мишлар жамиятга зарар берувчи характерга эга ва шу боис, уларга қарши кескин чора кўрилади. Ушбу имкониятдан фойдаланиб фуқароларимизга бунақа фитналарга берилмаслик, ҳатто ҳақиқатга ўхшаб кўринган овозаларга ҳам эътибор қилмасликка чақираман», дея таъкидлади вазирлик мулозими маҳаллий нашрларга берган интервьюсида.

Шу билан биргаликда террорчиликка қарши кураш бошқармаси раҳбари хорижда бўлиб қайтган фуқаролар устидан назорат кучайганини ҳам тасдиқлади.

«Умумий таҳдидга қарши ўзаро

ҳамкорлик амалиётлар доирасида хориждаги ҳамкасбларимиз билан изчил алоқамиз, хорижга узоқ муддатга чиққанлар ва қайтганлар ҳақида ишончли маълумотларга эгамиз», дея таъкидлади ИИБ мулозими.

Лекин хавфсизлик идоралари мамлакат бўйлаб жорий қилган фавқулодда чоралар одамлар орасида ваҳиманинг кучайишига сабаб бўлаётганини айтишмоқда кузатувчилар.

Сўнгги 2-3 ой давомида Тошкентда паспорт режими жорий қилинган, оммавий равишда аҳоли паспорт текширувидан ўтказилаётгани, ижарага берилаётган хонадонлар рўйхатга олинаётгани, хориждан қайтган фуқаролар ва диний қарашлари учун рўйхатга олинган фуқаролар сўроққа чақирилаётгани, айримлари маҳалла кўмитасидаги суҳбат чоғидаёқ ҳибсга олинаётгани тўғрисидаги ҳолатларни Озодлик ёритиб бормоқда. Озодликка кундалик равишда келаётган хабарлар ва мурожаатларнинг каттагина қисмида, айниқса, пойтахт аҳлида ваҳима кучайганини кузатиш мумкин.

ЎХХ хабарлар бўлими

Туркияга кутилмаган таклиф


Туркиянинг Россияга тегишли СУ-24 учоғини уриб тушириши ортидан Украина Туркияга Рус ташвиқотига қарши курашда ёрдам беришни таклиф қилди.

Утган ҳафта Туркиянинг Киевдаги элчихонасига Украина Ахборот вазирлиги расмийлари ташриф буюриб, бу ерда Туркия ва Киев элчихонаси расмийлари учрашди.

Украина Ахборот вазирлиги расмийлари, Турк томонига, Туркиянинг учоқ ҳодисасидан сунгра Россиянинг салбий тарғиботи таъсирида қолганини айтиб, Украинанинг сўнгги икки йилда Рус тарғиботига қарши курашда муҳим тажрибалар орттирганини айтди ва Туркияга бу масалада тажриба алмашинуви таклифини киритди. Ноябр ойида Туркиянинг Рус ҳарбий учоғини ҳаво ҳудудини бузгани учун уриб туширганини Украина қўллаб-қувватлаган эди.

Миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгаши раҳбари Александр Турчинов Украина ҳаво ҳудудини бузган Рус уюқларига айни тарзда қаршилиқ қилиниши лозимлигини айтган.

ЎХХ хабарлар бўлими



Россия 2016 йилда инқирозга юз тутиши мумкин

Россия инқирозга юз тутмоқда. Нефт нархининг тобора тушиб кетиши натижаси Россия иқтисоди оғир кунларни бошдан кечирмоқда. Мутахассислар фикрига кўра 2016 йилда Россия инқирозга учраши мумкин. 2014 йилнинг 1 июн куни 111,8 АҚШ долларини ташкил қилган Brent нефт нархи 6 ой ичида 65 фоизга тушиб кетди.

2015 йилнинг январ ойида 46 долларга тушди. 4 декабрда ўтказилган ОПЕК йиғилишидан сўнг эса кутилмаганда нефт

нархлари янада тушиб кетди. Бир ҳафта ичида хом ашё нефт 12 фоизга тушиб 36,71, Brent нефт эса 20 фоизга арзонлашиб 37,93 долларни ташкил қилди.

Бугунги кунда эса хом ашё нефт 34,4 доллар, Brent нефти 36.3 долларни ташкил қилиб янада арзонлашди. Россия нефт қазиб олиш ҳаражатлари сабабидан дунёдаги бошқа нефт қазиб олувчи мамлакатларга кўра жуда ҳам қийин вазиятда.

ЎХХ хабарлар бўлими

(Давоми: Боши олдинги сонда)

23 декабрь

Роппа роса бир ой деганда врачлар мени деярли аввалги ҳолимга қайтаришди. Энди ҳадеганда йўталавермайдиган бўлдим. Кўнгил айниши, ўқчишлар барҳам топиб оз-оздан овқат ейдиган бўлдим. Кунларнинг бирида палатага Анатолий кириб келди.

У мени айланиб бошдан-оёқ кузатгач, қўлтигимдан олиб каравотга ўтказди.

— Хайрият, ўлимга сўз бермабсан, Бургут! — деди у елкамга қоқиб.

хайрон бўлдим. Нега мени Бургут деб атади? Исмимни биларди-ку! Ё биров билан адаштираяптими?

— Тушунмадим, — тилга кирдим унинг кўзларига тик боқиб, — нега мени бундай атаяпсан? Ё исмимни унутиб қўйдимми?

Анатолий кулиб юборди.

— Сени унутиб бўларканми? — деди кулгидан ўзини тўхтата олмай.

— Братвалар сенга аллақачон янги исм қўйиб бўлишган. Энди сен фақат қариндош-уруғларинг учун Муродсан, биз учун эса Бургут, ҳеч қачон мағрурлигини ташламайдиган Бургутсан! Бу ном сенга бошқа турмаларга тушиб қолганиндаям ҳам асқотади. Номинга бундан кейин ҳам муносиб бўлишга ҳаракат қил, бизларни уялтириб қўйма, тушундингми, йигит!

— Бургут! — янги номимни қайта-қайта такрорлаб жилмайдим. — Яхши исм экан! Раҳмат сенга, Толян, раҳмат!

— Майли, гапни чўзмайлик. ҳали замон кетадиган вақтим бўлиб қолади. Энди гап бундай!.. Тезроқ бу ердан чиқиб Соқолтой масаласини ҳал қилмасанг бўлмайди.

— Соқолтой? Унга нима бўлди?

— Сени фақат касалга чалинган десам томинг ҳам кетиб қолганми, дейман? Бирга ментлар билан кимор ўйнаганларинг ёдингдан чиқдимми?

— ҳа-а!

ҳақиқатан бу воқеа умуман хаёлимдан чиқиб кетган экан. Эсладим-у, ичимга муз югургандек бўлди.

— Мен илтимос қилиб туриб олгани учун борганман, — дедим совуққонлик билан. — Ёлғиз Ғўзи боришга қўрққанди.

— ҳаммасидан хабарим бор. Ёнида бўлганинг чатоқ бўлибди. Бир ўзи бориб ментларнинг қўлида ўлиб кетиши керак эди.

— Энди уни нима қилмоқчисизлар?.. — сўрадим ўғрибошидан.

— Тўхта! — дея қутилмаганда ўрнидан туриб кетди Анатолий. — Соқолтойни қўйиб турайлик, шундоғам адабини еб юрибди. Сен-



Зулматдаги умр-26

чи, тезроқ бу ердан чиқиб бошқа иш билан шуғулланасан.

— Қанақа иш? Қалтисми?

— Қалтиси ўлмаса сенга айтармидим?

— Гап йўқ, Толян! — дедим елка қисиб. — Доимо яхши инсонларнинг хизматига тайёрман!..

— Қойилман сенга! — деди Анатолий мамнунлигини яшира олмай. Кейин мени маҳкам кучоқлаб олди. — Шунақанги дангалчилигинг учун сенга ҳайкал қўйсам арзийди. Энди қулоқ сол.

Гапнинг индаллоси шуки, уч-тўрт кундан кейин бир иложини қилиб сени санчастига ўтказиб юбораман. У ерда танишларим бор. Ушалар орқали пул, ҳужжат, майда-чуйдалар билан ҳам таъминлайман. Бир-икки кунга озодликка чиқиб келишингга тўғри келади. Дўстимнинг қасосини олиш вақти етди. Хўш, нима дейсан?

— Озодликка дедимми? — шу биргина сўз қулоқларим остида жаранглади-ю, кўз олдимда яна Еленанинг сиймоси гавдаланиб, юрагим ҳапқирди ва "Еленамни бир кўрсайдим!" дея оҳ тортдим.

— Елена? Ким у? — сўради Толя ҳеч нарсага тушунмай. — Танишингми?

— ҳа, танишданам азизроқ. СИЗОда ишлаб кетган.

— Ёмонса-ан Бургут! — кўрсаткич бармоғини силтади суҳбатдошим. — СИЗОдаям тинч юрмабсан-да!

Шу тобда турмамиз назоратчиларидан бири ичкарига мўралаб, йўталиб қўйди-да, деди:

— Толян, кетмасак бўлмайди! ҳализамон бошлиқлар обходга чиқиб қолишса гап тегиб қолиши мумкин!

— Майли, қариндош, — Толян ўрнидан туриб елкамга қоқди. — тезроқ тузал! Қолганини хатада гаплашамиз!

Ниҳоят, буткул тузалиб кадрдон камерага қайтдим.

Камерага буткул бегона аристонларни жойлаштиришибди. Соқолтой негадир кўринмади.

Барчалари билан бир-бир танишиб чиққач, ўзим учун ажратилган биринчи қаватдаги каравотга чўқдим. Шу ондаёқ кимдир эски газета тўшаб дастурхон солди. Кўз очиб юмгунча дастурхон усти егуликка тўлиб кетди. ҳатто кимдир кўрпаси остини ковлаштириб бир шиша ароқ ҳам чиқарди. Менга қарама-қарши томондаги каравотда ўтирган Мишиқи лақабли аристон эса югура келиб оёғимдаги пойабзални ечиб олди.

"ҳа, Толянинг гапида жон бор, — хаёлимдан ўтказдим елиб-югуриб хизмат қилаётган аристонларни кузатарканман. — Ростакмига обрўм ошган кўринади. Шундай бўлиши керак эди. Бу даражага етиш учун озмунча азоб чекдимми..."

Қўлим билан имлаб паст бўйли, ёши ўттизлардан ошган аристонни ёнимга чорлаб, сўрадим:

— Соқолтой қайси камерада?

Бу сўроғимни эшитган бошқа аристонлар ҳам ҳаракатдан тўхтаб, тепамда ҳозир бўлишди.

— У йўқолиб қолди, — жавоб қилди Мишиқи.

— Қаерга йўқолади? Игнаמיד ийқолиб қоладиган?

— Билмадим, қарцерда дейишганди. Аммо у ерда йўқ, мен суриштириб кўрдим. Айтишларича, уни турма машинасида қаергадир олиб кетишибди. Шундан бери йўқ...

ҳали у гапини тугатиб улгурмай камера туйнуги очилиб, назоратчининг овози келди.

— Шарипов, тез эллигинчи камерага борармишсан! Сени кутишяпти!

Назоратчининг гапини эшитдим-у, негадир кўз ўнгимда малла сочларини ёйиб олганча Елена ҳозир бўлди. Хаёлга толдим. Қарашлари ғамгин, йиғлаганми, юзларида ёш томчилари йилтиллларди. У бир зум менга тикилиб туриб, аста бағрига олди. Елена мени қаттиқ қучар, "Ўзимнинг бахтсизим! Омадсизим! Дайдигинам!" дея алқарди.

— Йўқ, сен бевафо, шафқатсиз аёлсан! — тўсатдан уни ўзимдан итариб ташладим. — Қоч! Кет! Турма бошлиғининг тиззасида эркаланиб-эркаланиб, энди менинг олдимга чопиб келдингми? Нима, хотини сезиб қолдимми? Ё айтган

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

нарсангни олиб бермадим? Балки бошқасини топволиб, сени ҳайдаб солгандир?..

Бу гапим Еленага қаттиқ ботгани силкина-силкина йиғлаётганидан маълум эди.

Йўқ, яқин ўтмиш ёдимга тушгандан бери унга нисбатан қалбимда зарра шафқат ҳисси қолмагани. ҳаётда аёл йиғисига тоқат қила олмайдиган одам ҳозир қилт этмасдим. Бўшаб қолган қўлларим олдинга чўзилмас, тилим гўё танглаймга ёпишиб қолган каби сукут сақлар, фақат асабий титрардим.

— Мен сен ўйлаганингдек бузук аёл эмасман! — Уртадаги жимликни бузиб йиғи аралаш деди Елена. — Сен қаттиқ адашяпсан! Келиб-келиб сени алдайманми, тентаккинам? Сени-я? Кўр бўлиб қолмайманми шу ондаёқ? Ахир сен мени деб шунча азобларга гирифтор бўлиб юрибсан-ку!..

— Узр, сени санчаства жойлаштиришнинг иложи бўлмади! — деди Толян ҳали курсига ўтириб улгурмасимдан. — Бунга ҳожат йўқ эмиш.

— Тўғри айтишибди, — дедим пинагини бузмай, — мен соппа-соғман. Санчаствада пишириб қўйибдим энди. Хўш, қандай топшириқ ҳақида гапирганинг, Толян?

— Ҳа, сени бир озодликка чиқариб, пича дам бермоқчи эдим.

— Бу ишинг учун сенга қанча миннатдорчилик билдирсам арзийди, Толян!

— Лекин бироз қалтис ишга қўл уришинг зарур бўлади.

— Э, бу нима деганинг? Мен учун қалтис иш қолибдими бу дунёда? Айтавер, дўстим, айтавер! Нима бўлгандаям, сенга йўқ демайман.

— Биласанми... — Толян бироз ўйлаб тургач, давом этди. — Бир савдогар хотин бор. Уша ярамас менга улуш бериб турадиган универсал дўконни тафтишчиларга чақибди. Тафтишчилар ҳисоб-китоб ишларини ағдар-тўнтар қилиб, дўкон директорига қўшиб, икки сотувчини ҳам қамаб қўйибди. Шу тафтиш баҳона менга ўлпон берадиган бошқа дўконларни ҳам муҳрлаб кетишибди аблаҳлар! Хуллас, ўша қанжиқ мен билан рақобатлашмоқчи бўлибди.

— Уни таниримдинг?

— Албатта, танийман. Ишонсанг, бир пайтлар оддий бозорчи эди. Эски-туски кийим-кечак сотиб кун кўрарди. Қачон қарама, мендан қарз сўрагани сўраган эди... Энди бўлса, яхшиликни билмаган мегажиннинг ишини кўрсанг-чи!

— Шунақа дегин? У ҳолда бу ишни шундай қолдириб бўлмайди,

аёл кишилигига ҳам қарамасдан уни жазолаш керак!

— Фақат эҳтиёт бўлгин, Бургут! — уқтирди Толян. — Братваларнинг айтишларича, у мансабдор ментлардан бирининг жазмани эмиш. Биласан-ку, ундайлардан ҳар балони кутса бўлади.

— Ташвишланма! — дедим ишонч билан. — Шундай қиламанки, туғилганига пушаймон бўлади.

— Баракалла!.. Насиб бўлса, Бургут сен билан ҳали буюк ишларни қиламиз. Бехавотир ишлайвер, яқинда сени турма бўйича масъул этиб тайинлайман.

— Нима? Мени?..

Бундай гапни кутмаганим учунми, кўзларимни катта-катта очиб, Толянга ҳайрат аралаш тикилиб қолдим.

— Соқолтой-чи? У...

Зулматдаги умр-26

— Унут ўша Соқолтойни!.. — Толян афтини бужмайтириб тесқари қаради. — Унинг бир-иккита ишкали бор экан. Адабини еб юрибди!

— Толян, унга нима бўлди ўзи?.. Йўқолиб қолганмиши?..

— Ҳа, — Толян бир керишиб олиб стол устидаги коньякдан қадаҳларга қуйди, — беркитиб қўйганмиз... Яхшиси, бу ҳақда камроқ суриштир. Сенинг ишинг бошқа. Соқолтой қилмишига яраша жазоланаяпти. Кел, соғайиб кетганинг учун олайлик!..

Толян икки кун ичида мени яширинча озодликка чиқаришга ваъда берди. Фақат қисқа муддатга. Уч кунгина шаҳарга бориб келарканман, холос. Уйлаб кўрсам, бу муддат Еленани қидириб топишим учун ҳам етаркан. Эҳ, кошкийди уни атиги бир кўрсам. Бирпасгина жамолини томоша қилиб ўтиришга-да, рози эдим.

Шундай ширин ўйлар оғушида камерага қайтдим. Камерадошлар Вася деган пакана, малла аристонни ўраб олганча тек туришарди. Вася курсида ўтириб, кираверишдаги каравотда ётган касалманд, кекса аристонни ўтқазиб қўйиб оппоқ қоғозга унинг суратини чизарди.

Дарвоқе, Вася чўнтаккесарлик қилгани учун етти йилга қамалган эди. Узи турмага яқиндагина келган. Аммо тез кунда ҳамма билан тил топишиб кетди. Фақат маҳмадоналиги менга ёқмагани сабабли тез-тез камерани тозалашга, ярим тунгача оёқларимни уқалашга мажбур қилардим. Мен ҳам бошқалар қаторига туриб унинг ишини кузата бошладим. Ҳақиқатан Вася суратни бошлаб чизар экан. Қариянинг

ҳар бир жиҳати қоғозда худди ўзидагидек акс этди. Вася ишини тугатгани ҳамона аристонлар бараварига қарсақ чалиб уни олқишлай кетишди.

Мени яна ўтмиш хотираларим шамоли қаерларгадир олиб кетди... Ҳа, мен ҳам бир вақтлар машхур одам бўлишни орзу қилардим. Ким бўлишимни фахмлай олмасдим-у, аммо ҳамма мени олқишлашни хоҳлардим. Афсус... Машхурлик тугул бирор арзирли хунарнинг бошини тута олмадим. Қўлимдан муштлашиш-у, одам ўлдиришдан бўлак ҳеч вақо келмайди. Манави йигитча эса одамнинг ҳаваси келадиган суратларни чиза оларкан. Қизиқ, нега унда чўнтаккесарлик қилди? Сурат чизиб пул топса, тинчгина оиласи даврасида яшайверса бўлмасмиди? Билмадим... Билмадим...

Йигитга қанчалар ҳавас қилмай, тан бермай, сир бой беришга ҳақим йўқ, зўрлигимча қолишга мажбур эдим.

— Айт-чи, рассом, яланғоч аёлнинг суратини чиза оласанми? — сўрадим Васянинг елкасидан босиб.

— Албатта, — деди Вася бош эгиб, — Чиза оламан.

— Унда чиз! — буюрдим унга. — Қани, ҳамманг жой-жойингга бор! Рассомга халал берма!..

Аристонлар итоат билан жой-жойларига тарқалишди. Мен бўлсам, Васянинг иштиёқ билан сурат чизилиши кузата бошладим.

Орадан ярим соат ўтиб, ниҳоят Вася қўлимга яланғоч аёл сурати туширилган оппоқ қоғозни тутқазди. Ажабо!.. Бу сурат аёл эмас, балки бир малакнинг сурати эди!

— Қара, — тепамга биринчи бўлиб келган мишиқига суратни кўрсатдим, — рассом фариштанинг суратини қоғозга туширибди. Тўғрими-йўқми?..

— Ҳ-ҳа... Гапинг тўғри, Бургут! — оҳ тортиди Мишиқи. — Бу суратда чиндан ҳам илоҳий гўзал қиз акс этган!.. Вася, ўзини танийсанми бу қизнинг?

Вася ерга боққанча бош чайқади. — Ҳа, танийман... У севган қизим эди.

— Нима?.. Тушунмадим, — дедим Васянинг икки елкасидан тутиб.

— Ҳа, шундай, — деди Вася хўрсиниб. — Мен уни фақат севардим, холос.

— Уни шунчалик севган экансан, нега уйланиб қўя қолмадинг?

— Истамади... Менга ўхшаган ўғрига тегишдан ор қилармиш.

— Узи шунақа дедими?

— Ҳа.

Бу гапларни эшитгач, Васяни маҳкам қучиб олдим.

(Давоми келгуси сонда)

Қўрқувнинг икки тури бор: Аллоҳдан қўрқиш ва бандадан қўрқиш.

Қўрқув кучли қуролдир. Агар Аллоҳдан қўрқсангиз, бу қурол сизни гуноҳлардан қутқаради, шайтони лаиннинг ҳийлалари устидан ғолиб бўлишга ёрдам беради.

Агар бандадан қўрқсангиз, бу қурол фақат ва фақат сизни маҳв қилади.

Бугун Ўзбекистондаги илдизи чириган тузум айнан ана шу қурол ёрдамида тутиб турилибди.

Бугун Ислоҳ Каримов қурган тузум ўз умрини яшаб тугатмоқда. Келинг, мамлакатни идора қилиб турган энг улкан ташкилотлардан бир-иккитасинининг фаолиятини ўрганиб чиқамиз.

1. Девон

Ислоҳ Каримовнинг идораси. У ерда Каримовнинг маслаҳатчилари, котиблари ишлайдилар. Барча фармонлар, қарорлар шу ердан чиқарилади. Мазкур идорада фисқу фасод авж олган. Маслоҳатчилар ва уларнинг югурдаклари орасида бесоқолбозлик билан шуғулланадиганлар бор. Девон мамлакатнинг бош маркази бўлиши билан биргаликда бош фитнахонасидир. У ерда ҳамма бир-бирининг ортини кавлаган, тўхмат қилган, “юқори шахслар” – бир-икки маслаҳатчилардан бўлак деярли ҳамма жуда тез алмашади. Бу ерда кадрларнинг фаолияти узоғи билан икки йилга бориши мумкин.

Президент девонида фаолият юритувчилар – Каримовни “бошқариб турувчи” кучлардир. Гарчи улар Каримовнинг қўллари бўлса-да, Каримов бу гуруҳнинг катта қулидир. У ўзи билмаган ҳолда ўз қўл остидагиларнинг ноғорасига ўйнайди. Каримов маслаҳатчилари муайян гуруҳ шаклида кўплаб жиноятларни амалга ошириб келмоқда. Ҳокимларни тайинлаш, вазирларни аниқлаштириш, турли фармонларни чиқариш девон маслаҳатчилари, котибларининг аралашувлари билан амалга ошади. Девонда ишлайдиган ҳар бир шахс ўз вақтида жонини хатар ичига қўйиб ишлайди. Чунки уларнинг деярли ҳаммаси Республика Миллий хавфсизлиги хизмати “қулоқларидир”. Бир-бирининг устидан чақувлар етказишда мусобақалашади.

2. Вазирлар маҳкамаси

Ўзбекистонда ҳукумат вазирлар маҳкамаси ҳисобланади. Вазирлар маҳкамасига бош вазир Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлик қилади. Вазирлар маҳкамаси таркибида вазирларнинг ҳаммаси бевосита Ислоҳ Каримовнинг амру фармони билан ишлайди.



“УЛАРНИНГ ҚУДРАТИ – ХОИН «ҚУЛОҚ» ДИР

Шавкат Миромоновичнинг вазифаси – Ислоҳ Каримовнинг фармонларининг амалга жорий бўлишини таъминлашдан иборат. Ислоҳ Каримов Республикадаги 12 та вилоят, Қорақолпоғистон Республикаси ҳамда пойтахт Тошкентнинг раҳбарларини шахсан тайинлайди.

Вазирлар ҳар йили алмашади. Каримовнинг кўзига ёқмай қолган, девондагилари билан келишолмай қолган вазирлар, бошқа амалдорлар бир лаҳзада “учиб кетиши” ҳеч гап эмас. Вазирлар маҳкамасининг иш тартиби қизиқ: масалан, Халқ таълими вазири деган мансабда инженер ишлаши мумкин ва бу Каримов тузуми учун ўта табиий. Аммо бу вазир ўз ишини уддалай олмаса, девонаги акахонлари ёрдамида бошқа каттароқ мансабга ўтказилади.

Вазирлар маҳкамасида вазирларнинг алмашиви қанчалик оддий ва муаммосиз бўлса, бутун бошли вазирликлар тугатилиб, янгиттан бошқа вазирликлар ташкил қилиб ҳам юборилаверади. Шунингдек, ҳукумат таркибига кирувчи қатор қўмиталар вазият талаби билан тузилади ва кўп ойлик талаб қилса, ёпиб юборилади.

Каримовнинг идеология бўлими вазифасини бажарадиган Маънавият ва Маърифат маркази деган ташкилот бор. Шу марказда Каримов ғоялари халққа мажбуран сингдирилади, бу марказнинг вилоят ва туманларда бўлимлари бор. Собиқ совет таълимини олган мутахассислар у ерга масъул қилиб қўйилган. Одатда, улар кўп гапиришни ва одамларга ўзларини кўрсатиб, чексиз ҳокимият эгаси қаби таассурот қолдиришни хуш кўришади. Аммо ойликлари жуда кам. Уларнинг бўлимларида икки ёки уч киши ишлайди.

Каримовнинг ҳукумати таркибидаги вазирликлар ва уларга бўйсунадиган идоралар жуда тез ташкил этилади ва жуда тез бузилиши унинг бирор режа асосида ҳаракат қилмаслигини билдиради. Шунчаки, унинг маслаҳатчилари ва котиблари томонидан ишлаб чиқилган, одамлар кўз ўнгида ясалган “ҳайкал” бор. Унга кура, қонунлар устувор, ҳаммаси жойида, келажак эса гуллаб-яшнаб ётган бўлади.

Яна бир қизиқ жиҳат шуки, Каримов тайинлаган ҳокимлар худди бедана қаби. Ўзбек халқи тили билан айтганда: “Бедананинг уйи йўқ – қайга борса питпилдиқ”.

Чунки Каримов тайинлаган ҳокимларнинг ҳеч бири тайинли эмас. Ҳар йили Каримов, албатта, бирор ҳокимни алмаштиради. Чунки унинг кадрларни танлаш билан боғлиқ қатъий принципи йўқ. У ҳокимлардан сўзсиз итоаткорликни талаб қилади. Негадир, Каримов тайинлаган ҳамма ҳоким доимо ишни “халта қилади”. Масалан, Наманган ҳокими 7 йилдан бери ҳаммаёқни расво қилибдию, Каримов буни яқинда “билиб қолибди”. Аввалги йилларда эса Қашқадарё ва Сурхондарё ҳокимларини алмаштирган эди.

Қисқаси, Каримов ҳукумати жуда бетартиб ишлайди. Улар нима учун ишлаётгани ҳақида билмайди, буйруқлар жуда кўп ва пала-партиш. Бир буйруқ иккинчисини инкор қилади. Аммо иккисини ҳам бажариш керак...

Каримовнинг бошқарув системаси 25 йилдирки, шундай тартибда ишлайди.

3. Куч ишлатар тизимлар

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

фаолияти ҳақида турли афсоналар кезиб юради. Мамлакатни қўлда тутиб турган бу икки тизим аллақачон яроқсиз ҳолга келган. Агар халқ кўтарилиб, кўчага чиқса, бу тизим уни бостира олмайди. Тўғри, Каримов ҳарбий қисмлар ёрдамида ўз халқини қириб ташлаши мумкин. Чунки бу унинг учун оддий бир иш.

Аммо тубига етиб борсангиз, армия ҳам чириган. Чунки ҳар йили пахта терими билан шуғулланадиган, байрамларда чиройли қадам ташлайдиган аскарларнинг аксариди интеллектуал ва жисмоний маҳорат жуда суст.

Гарчи Ўзбекистон армиясининг қудрати жаҳонда олди қаторларда туради деб уқтириб келинса-да, бу сафсатадан бошқа нарса эмас. Бугун Ўзбекистонда армия бир йиллик ва бир ойлик деган икки турган бўлинади. Гўёки бир ойлик армияда йигитлар аскарликка тайёр бўлар эмиш. Бир йиллик армия эса чиниқиш мактаби экан. Армияда хизмат қилаётган ва хизмат қилган йигитлар тасдиқлаши мумкинки, ташқи тарафдан кучли кўринган бу тизим ичдан емирилган.

Ҳарбийлар гарчи мамлакатда энг юқори ойлик билан таъминланган бўлса-да, улар орасида ҳам коррупция авж олган. Хусусан, йигитларни армияга, Олий Ҳарбий ўқув юртларига қабул қилишда, ҳарбий даражаларни оширишда бемалол савдо ишлари гуллаб-яшнаб ётибди.

Аскарлар ватанпарварлик эмас, мажбурият билангина хизмат қилиб юришибди. Уларнинг деярли ҳаммаси ёдлатилган гапларни такрорлайдиган, ўз шахсий мушоҳадасига эга бўлмаган кадрлардир. Ҳарбий соҳага қизиқишнинг бош омили, албатта, халқ ёки Ватанга бўлган муҳаббат эмас, катта маош ҳисобланади. Буни Ўзбекистондаги ёш бола ҳам тасдиқлайди. Чунки мактаб ёки коллеж ўқувчиси ҳарбийликни орзу қиляптими, нега деб сўралса, ойлиги баланс, турли қўлайликлар бор деб жавоб беришади.

Ички ишлар вазирлиги таркибидаги идоралар ҳам худди шу тартибда ишлайди. Бу соҳада ҳам порахўрлик гуллаб-яшнаган. Даражаларни ошириш, турли юқори мансабларга тайинланиш – ҳаммаси пора билан амалга оширилади. Агар кўчада қаққайиб метро тепасида турадиган ёки “участковой” номига эга милиция ходими ўз даражасини оширишни истаса, албатта, бирор кимсанинг жиноятчи эканлигини исботлаши керак. Улар тутган одам жиноятчи бўлиши шарт эмас.

Бугун ўзбек милицияси одамларни

қўрқитиш, озор бериш ва зулм билан машғул. Аслида эса бу соҳа одамлари кайф-сафони севади, иложи борича ўз постини ташлаб қочиб, бирор чойхона ёки ресторанди ўтиришни хуш кўради. Улар учун вазифани бир амаллаб адо қилиш, ойликни олиш муҳим. Юқоридан келадиган амрларнинг тутуриги йўқ, улар гоҳида ўзлари нима қилишаётганига ҳам тушунмайди. Устига устак, ҳар бир туман ИИБ ходимларига ҳар куни юз – икки юз нафардан шубҳаланувчи шахс тутиб келиш плани қўйилган бўлса, бу ҳам ғалати. Аммо улар бунни уйдлашлари лозим.

Бу сафсаталарнинг ҳаммаси одамлар ичига қўрқув заҳарини солиш учун қилинади. Қўпол ва тарбиясиз, инсон шаънини булғайдиган, иймон ва эътиқод тушунчасидан йироқ милиция ходимлари эса кўзига кўринган “шубҳали” шахсларни ҳамон уриб-сўкиб ёки мазах қилиб бўлимга элтиш билан шуғулланмоқдалар. Мамлакатда рўй бераётган қотилликлар, ўғриликлар ва бошқа жиноятларнинг ҳеч бири очилмай қолиб кетаверади.

Миллий хавфсизлик хизматидан мамлакатда Каримов ва Иноятов қўрқмаслиги мумкин. Мамлакат бу илонинг захридан шунчалик кўрқадими, ҳатто, Худони унутиб юборишади. Аслида, таъриф қилинганидек МХХ шуналик қудратлими?

Очиғини айтиш шарт – Ўзбекистон МХХнинг ўзи ҳеч қандай қудратга эга эмас. Бу бўлимда хизмат қиладиган ходимларнинг саъвияси, таланти ва салоҳияти ўта паст ёки ўртача. Уларнинг ойлиги ўта юқори, қиладиган ишлари эса одамларни идорага қаққайиб руҳий жиҳатдан босим ўтказиб эзишдан иборат. Бу йўналишда хизмат қиладиган ходимларнинг сони кўп эмас. Аммо уларга хос жиҳат – бешафқатлилик, буйруқни иккиланисиз бажариш ҳамда ҳеч кимга ишонмасликдир.

Яна бир жиҳати, МХХ одамлар ҳақида темир сандиқларда турли ҳужжатларни йиғиш билан машғул бўлади.

МХХ идорасида зерикиб ўтирадиган, доимо ҳаммага шубҳа билан боқадиган, кишиларни эзиб роҳат қиладиган кўрқоқ ходимларнинг қудрати йўқ. Уларнинг қудрати – “қулоқлар”дир. Тошкентдаги Миллий хавфсизлик институтини тугатмаган бўлса-да, ҳатто, ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаса-да, Ўзбекистоннинг ҳамма қишлоқлари, кўчалари, идоралари ва оилаларида камида биттадан “қулоқ” ишлайди.

Ана шулар МХХнинг “қудратли” қўллари дидир.

Бу одамларнинг сеvimли касби – ўз атрофидагиларни кузатиш –

жосуслик қилиш, маълумотларни тўплаш ва ўз ҳудудидаги МХХга етказишдир. Шунинг учун МХХ мамлакат одамларини кучли кузатувда ушлаб турибди. МХХ берган ахборот асосида бутун мамлакатдаги сиёсат машинаси ҳаракатланади.

Оддий одамлар – гадоилар, ўқитувчилар, косиблар, деҳқонлар, новвойлар, талабалар МХХнинг жосусларидир.

Шунингдек, пистачилар, нос сотувчилар, ижтимоий тармоқларда турли номи остида бир неча профил очганлар, туппа-тузук одамлар ҳам МХХга хизмат қилишади. Уларбухизматлари учун ҳеч қандай ҲАҚ ОЛМАЙДИЛАР. Шунчаки, улар жосусликдан завқланишади.

Бошқаларнинг маҳрам сирларини бировга очишдан, бошқаларни билдирмай кузатиб туришдан сеvинишади. Яъни шундай пасткашлик уларни бахтиёр қилади.

МХХнинг идорадаги ходимлари учун эса юборилган маълумотларни папкаларга жойлаш ва уларни киёслаб одамлар “тақдирини ҳал қилиш” билан шуғулланишади.

Ташқарида сирли кўринган ва одамларни қўрқувда тутиб турган МХХнинг ишлаш тарзи аслида ана шундай содда ва пасткашонидир.

Тан олиш лозимки, МХХдагиларнинг совуққонлиги, тубанлиги олий даражада. Улар одамларни киприк қоқмай ўлдириб юборишда, ҳодисалардан хулоса чиқаришда моҳир. Гарчи илм-фаннинг сўнгги ютуқларидан фойдаланишда бир мунча қоқоқ бўлсалар-да.

Мамлакатда яшаб турган чирик тузум айнан МХХнинг жонбозлиги мевасидир. МХХ эса халқ ичидаги “қулоқлар”га таянади. “Қулоқлар” бегона эмас, халқ ичидаги халқнинг боласи, яъни халқнинг хоин боласидир.

Аммо уларнинг бу хийла макрлари узоқ яшамайди. Чунки Аллоҳнинг макри олдида уларнинг макри ожиздир.

Ўзбек халқи ичидаги хоинлар хоинликдан ор қилмаса, халқ ҳеч қачон уксалиш йўлига чиқа олмайди. Шу ҳақиқатни ҳам унутмаслик керак.

Халқ ўша хоинлардан кўрқадими. Хоиндан кўрққани учун бугун хор бўлиб яшайпти.

Халқ хоинлари халқнинг сара фарзандларини золимлар қўлига тутиб бермоқда.

Аммо хоиннинг умри қисқа. Уларни Илоҳий Тақдирнинг ўзи маҳв қилади.

Хоинлар кучига таянган, зулмга асосланган тузум, Каримов тузуми таназзул билан юзлашиб бўлди. Энди унинг батамом ағдарилиб, Ер юзидан супуриб ташланишини кутмоқдамиз. Бу кунлар яқин қолди, Худо хоҳласа.

Абдуллоҳ Нусрат

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Бектемир миласидан сўрасам бизга ундай одамни олиб келишмади дейишди. Менинг ҳозирги аҳволим шунчалар аянчилики уни тўғрилашга, укамни топишга, ёрдам беришга ожизман.

Буларнинг ҳаммаси менинг Ўзбекистондаги энг "обрўли ўғри"лардан бўлмиш Президент маслаҳатчиси бўлиб ишлаган Тоҳир Иминовнинг узликсиз тўрт йил давомида давлат пулларини талон-тарож қилганлиги тўғрисида ёзган мақолаларим сабабдир. Улар мени мана 10-ойдирки Т.Иминов тўғрисида ёзма деб тазйиқ ва таъқиблар остида ушлаб келишади. Кейинги тўрт ой ичида бирорта мақола ёзмадим, лекин шундай бўлса ҳам бизга нисбатан таъқиблари тўхтамаяпти. Ёзсам бир бало, ёзмасам минг бало бўлаяпти.

Бош прокуратура Т.Иминовни "обрўли одам" деб унга қарши жиноий иш оча олмаслигини ку ошқора тан олиб, буни менга маълум қилиб қўйибди. Лекин Президентга ёзган мурожаатларим, Бош прокуратура, МХХ раисига ёзганларим ҳаммаси битта жойга яъни одамларга сохта айбловлар тўқиш билан шуғилланиб оддий одамларни, ўз ҳалқини жиноятчига чиқараётган, қўлида жаллоднинг ой болтаси ўйнаб турган миласанинг шаҳар бўйича терроризмга қарши кураш бўлимига бориб тушмоқда. Бугинги кунда уларга чексиз ҳуқуқлар берилган шекилли улардан ўтиб ҳолингизни ҳеч ким сўрамайди. Ой чиқса ҳам, кун чиқса ҳам терроризмга қарши кураш бўлимига бўлмоқда. Улар ҳатто Президент номига ёзилган мурожаатларга жавоб беришади. Шу ўринда бундай ҳолатга аниқлик киритишларини сўрайман?

Ўзбекистонда Президент ким??? И.А.Каримовми? ёки миласанинг терроризмга қарши кураш бўлимимикан???

Одамларнинг бугинги Ўзбекистонда ит эгасини мушиқ бекасини танимайдиган муҳит ҳуқимрон деганлари исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир.

Мен ПРЕЗИДЕНТга яъни И.А.Каримовга юзланаман, қайсидир миласанинг терроризмга қарши курашиш бўлимига эмас!

Ислом Абдуганиевич!

Сиз бошқараётган мамлакатда ғурури топталиб, ҳуқуқлари поймол этилаётган етим-эсирларнинг, қолверса шу мамлакат фуқароси, ОНАнинг нидосини эшитинг!!!

— Уғриларни ҳимоя қилаётган "ҳуқиқ посбонлари" айтаётгандай мен ва ўғлим жиноятчи эмасмиз! Аксинча сизнинг ёнингизда

Таъқиб давом этмоқда-2

туриб давлатнинг ҳадсиз хисобсиз пулларини ўмарган мулозимингизнинг ўғирлигини фош қилган аёлман. Бундай одамларни энди мустақиллик даврига келиб "жиноятчи" деб аташадими? Унда Т.Иминов билан А.Фаттаховни ким деб аташади???

Ёлғиз аёл бошим билан ажойиб ЎФИЛни, айтмоқчиманки ИҚТИДОРЛИ ўғилни, келажакда бир соҳанинг етук мутахасиси бўладиган ўғилни тарбияляяпман. Мулозимларингиз ўсиб келаётган ўғлимнинг кўз олдида онасини ноҳақ айблаб, ситамлар ўтказиб ўғлимнинг дилидаги эл-юртга ҳурмат ва Ватанга муҳаббат туғғусини сўндиришмасин.

Тақдор айтаман, мулозимларингиз ўғлимдан жиноятчи яшашни бас қилишсин, ўз ҳолига қўйишсин, У иқтидор эгаси. Бундай ҳислатли инсонлар ҳамма замонларда ва ҳамма ерда қадрланган. Усиб келаётган ўғлимнинг ўқик кўнглини тирнашни бас қилишсин!!! Инсон қиёфасига киришсин!!!

Мен тўғримга келадиган бўлсак: Сиз мамлакат равнақи йўлида елиб-югираверасиз, баъзида етишмовчиликдан чет мамлакатлардан бир-неча миллиардлаган долларларни қарз ҳам оласиз, шунда ҳам одамлар ойлигини, пенсионерлар пенсиясини вақтида ололмаса мамлакатда пул тақчиллиги барқарорлигича қолаверса. Сабаби ишонч билдирганингиз ёнингизда турган Тоҳиржон Иминов давлат пулларини йиллар давомида чўнтагига ургани, буни кўра билди туриб на Бош прокуратура на имконияти чегараланмаган "МИЛИСА" ўғрига чора қўллама, аксинча бу ҳақда гапирганларнинг ўзларини жиноятчига чиқарса. Бу дегани на Бош прокуратура тизимлари ва на миласа тизимлари давлат учун ишлямаяпти дегани эмасми?

Балки Сиз билдирган ишончдан фойдаланиб фақат жигилдон ғамида юришибди дегани эмасми? Уғри акаларидан улуш олиб, эвазига айбларини яшириб, "давлат иши"ни бажаряпмиз деб бюджетдан бир-неча миллионлаган маошларни олиб, ҳам ҳўрдани ҳам бурдани уриб, намунали уйларда яшаб, имтиёзли нафақаларга чиқиб туз берганинг тузлиғига тупириб турибди, дегани эмасми? Шундай ишланглар деб Сиз аймагансиз албатта И.Абдуганиевич. Демак бундай ҳаракатлари билан улар Сизни ҳам алдаб, ҳиёнат қилиб

туришибди! Балки шунинг учун ҳам уларни ҳалқ орасида "пагонли қароқчилар" дейишади.

Ўзбек ҳалқиде азал-азалдан эркаги йўқ уйга бегона эркакнинг кириши шаъриатимизга тўғри келмайди деб саналади, ва бунга амал қилинади. Бу диний тамондан. Қонун тамондан эса ўзини таништирамасдан, уйнинг эркаги бўлмиш ўғлимни бир чеккага итариб, суриб, куч ишлатиб, босқинчиларча, зўравонлик билан кечқурун эри йўқ аёлнинг уйига бостириб тўртта эркакларнинг келиши жиноят ҳисобланиб у Канституциянинг 27-моддасида белгилаб қўйилган.

Ислом Абдуганиевич мадомики мулозимларингизнинг ҳаракатлари диний ва қонуий тамондан ҳам қораланаркан. Демак: Улар Сизнинг маъсуллингизда қонун олдида жавоб беришлари керак!

Президентдан ўтинчим:

Биз она-боланинг ҳафсизлигимизни таъминлаб берсангиз.

Т.Иминов ва А.Фаттаховлар ўзлаштирган давлат пулларининг урнига қайтарилишида узингиз бош-қош бўлсангиз. Токи бу ўғирликга барҳам берилмас экан бизнинг ҳаётимиз ҳафдан ҳоли бўлмайди.

Мен туфайли зўравонликга учраган заиф ва мазлумларни ноҳақликдан, зўравонлардан кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилган, натижада уйимга бостириб келган номалум одамлар тамонидан ноаниқ жойга олиб кетилган укам Олимжонни топилишида амалий кўмак беришингизни илтимос қиламан.

Сўнги сўз ўрнида:

Мен дунё журналистларидан қуйидагиларни илтимос қилар эдим:

Мен юқорида ўз бошимдан ўтказганларни кўпиртирмадан, муболағасиз айна ҳақиқатларни ёздим. Имконияти борлардан ўтинчим ёзганларимни бошқа тилларга ҳам таржима қилиб дунё ҳалқларини Ўзбекистонда ҳукм сураётган ҳақиқий ҳаёт билан таништиришда ёрдамларини аямаслар деб ишонч билдираман. Чунки Ўзбекистонда бунинг иложи йўқ.

Олдиндан раҳмат.

Чамангул Негманова

"ERKIN YURT"

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов